БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 19
6 МАРТ
ШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқдаги барча коммунистларни ва комсомолларни, барча колхозчиларни ҳамда МТСлар ва совхозларнинг барча ходимларини дон хўжалигини кучли равишда юксалтириш учун, ҳамма қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун, молларнинг сонини янада кўпайтириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чақиради.

(КПСС Марказий Комитети Пленумининг Қароридан).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Яқинда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВНИНГ докладини тинглади ва муҳокама этди ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг ходимлари, колхозларнинг раислари ҳамда совхозларнинг ходимлари иштирок этдилар.

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВ доклади юзасидан 1954 йил 2 мартда қабул қилган қарори

I.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ҳозирги замон шароитида энг зарур бўлган умумхалқ вазифасини—социалистик индустриянинг қудратли ўсиши негизида яқин 2—3 йил ичида мамлакатимиз аҳолисининг халқ истеъмол қиладиган молларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлатўкис қондириш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатини хомашё билан таъминлаш вазифасини ўртага қўйди. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари Пленум қарорларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини зўр бериб юксалтириш вазифасини ҳал этишга имкон берадиган зарур шароитларни вужудга келтириш йўлида ўтган вақт ичида анча ишларни қилдилар.

Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорини бажариб, кузги қишлоқ хўжалик ишларини илгариги йилларга қараганда яхшироқ қилиб ўтказдилар. 1953 йилнинг кузида колхозларда ва совхозларда 1952 йилдагига қараганда кузги шудгор учун 13 миллион гектар ер ва қора шудгор учун 3,5 миллион гектар ер кўп ҳайдалди. Кузги экинларни экиш ҳамда 1954 йил ҳосили учун баҳори экинлар экиладиган ерларни тайёрлаш ишлари кўпчилик республикаларда, ўлкаларда ва областьларда анча қисқа вақтда ва агротехника жиҳатдан энг яхши муддатларда ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини ҳамда партия ва ҳукуматнинг кейинги қарорларини амалга ошириш асосида деҳқонларнинг даромадлари 1953 йилда ва айниқса йилнинг иккинчи ярмида анча кўпайди. Деҳқонлар сотиб оладиган молларнинг давлат чакана нархлари ўрта ҳисоб билан 11 процент камайтирилгани ҳолда, колхозлар ва колхозчилар томонидан давлатга мажбурий тартибда етказиб бериладиган гўшт, сут, жун, картошка ва сабзавотларнинг тайёрлаш нархлари анча оширилди. Гўшт, сут, сабзавот, картошкани тайёрлаш нархларидан анча ошиқроқ баҳоларда давлат йўли билан сотиб олиш системаси жорий қилинди. Чорвачилик маҳсулотлари, картошка ва сабзавот етказиб бериш мажбуриятлари бўйича ўтган йиллардан бери колхозларнинг зиммасида қолиб келган қарзлар улардан кечиб юборилди. Колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидан топшириладиган мажбурият нормалари камайтирилди, колхозларнинг хонадонларидан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи камайтирилди, қишлоқ хўжалик солиғи бўйича ўтган йиллардан қолиб келган боқимонда тамомила кечиб юборилди. Бундан ташқари, давлатга чорвачилик маҳсулотлари ва картошка етказиб бериш мажбуриятлари бўйича ўтган йиллардан қолиб келган қарзларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг хўжаликларидан кечиб юборилди. Маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг миқдори камайтирилганлиги муносабати блан колхозлар ва колхозчилар товар маҳсулотининг анчагина қисмини давлатга оширилган харид нархлари блан сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Колхозларни ва колхозчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш бўйича мазкур тадбирларнинг, шунингдек солиқ сиёсати соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари 1953 йилда 13 миллиард сўмдан зиёдроқ кўпайди.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришда колхозлар ва колхозчиларни моддий жиҳатдан қизиқтириш принципига оғишмай риоя қилиш бундан буён ҳам партия ва совет ташкилотларининг доимий диққат марказида туриши лозим.

Ҳарқандай халқ хўжалик тадбирларининг муваффақиятли бўлиб чиқишини ишилар, ҳарқал ҳал қилишни назарда тутиб, партия Пленум қарорини амалга ошириш учун курашда кадрлар проблемасига ва аввало машина-трактор станциялари учун кадрлар проблемасига ўзининг асосий эътиборини берди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумидан кейин 1 миллион 250 мингга яқин тракторчи, трактор бригадаларининг бригадирлари, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарининг машинистлари ва бошқа ходимлар МТСларнинг штатларига доимий ишчилар қилиб ўтказилди. Партиянинг чақириғига жавобан 50 мингга яқин механизатор саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан МТСларга қайтиб борди.

Колхозларга хизмат кўрсатиш учун МТСларга кейинги ойларда 100 мингдан кўпроқ агроном ва зоотехник юборилди. МТСларда ишлаш учун саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан 23 минг инженер ва техник юборилди. Бунинг натижасида МТСлар ва колхозлар мутахассислар блан анча мустаҳкамланди, мутахассис кадрлар қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳал қилучи участкаларига яқинлаштирилди.

Броқ, МТСларни ва колхозларни малакали кадрлар блан мустаҳкамлаш ишларида ҳали катта камчиликлар бор. Ба'зибир раҳбар партия ва совет ходимлари кадрлар проблемасини ҳал қилмасдан туриб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин суратда юксалтиришни та'минлаб бўлмаслигини тушунмаётган бўлсалар керак.

Кўпгина машина-трактор станцияларида ва даставвал Орёл, Курск, Калинин областьларида трактор бригадалари учун доимий ходимларнинг анчагина қисми шу вақтгача танланган эмас ва МТСларнинг штатларига ўтказилмаган. МТСларнинг штатларига расмий равишда ўтказиб қўйилган ишчиларнинг анчагина қисми қиш вақтида ишларнинг кўп бўлишига қарамай, МТСларда ва колхозларда ишламаётир. МТСлардаги доимий ишчиларнинг меҳнати тузук ташкил қилинмаган. Брянск, Владимир ва бошқа бирқанча областьларда илгари саноатда ишлаш учун ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига кетиб қолган механизатор кадрларни МТСларга қайтариш ишлари яхши ташкил қилинмаган. Механизатор кадрлар тайёрлаш ишида катта-катта камчиликлар бор: механизация ўқув юртлари ва шу кадрларни тайёрлаш курслари ўқучилар блан тўлдирилмаган, бирқанча ўқув юртларида ва курсларда ўқитиш қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг энг муҳим масалаларидан ажратилган ҳолда олиб борилмоқда.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, МТСлар ва совхозларнинг директорлари механизатор кадрларга қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг илғор методларини ва усулларини ўқитишни, янги техникани ўргатишни ҳамда янги касбларни ўзлаштиришни яхшилашлари лозим.

Бирқанча область, ўлка ва республикаларда қишлоқ хўжалик мутахассисларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишида жиддий камчиликлар бор. Кўп ҳолларда мутахассислар биринчи навбатда шаҳарлар ва район марказларининг атрофидаги МТС ва колхозларга юборилмоқда, айни вақтда узоқ жойлардаги МТС ва колхозлар шу вақтгача раҳбар кадрлар ва мутахассислар блан та'минлангани йўқ. Шундай фактлар ҳам оз эмаски, энг тажрибали мутахассислар илғор колхозларга юборилмоқда, иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларга, малакали ёрдамга биринчи галда муҳтож бўлган колхозларга тажрибаси камроқ агрономлар ва зоотехниклар юборилади. Бирқанча МТСларда ишлаш учун келган мутахассисларга зарур уй-жой-маиший шароит вужудга келтирилмаётир.

Колхозларнинг раислари масаласи партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг ишларида қишлоқ хўжалик кадрларини танлаш соҳасидаги энг муҳим ва ҳозирча ҳал қилинмаган масаладир. Камдан-кам партия ташкилотларигина колхозларни раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширишга киришдилар. Областьлар, ўлкалар ва республикаларнинг кўпчилигида эса бу муҳим ишга очиқдан-очиқ аҳамиятсизлик блан қараш ҳоллари бор. Ҳолбуки, колхозларнинг жамоат хўжалигини янада юксалтириш ва ҳартомонлама ривожлантириш колхоз раисларини ишлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Фактлар шуни кўрсатадики, колхоз раҳбарлигига ўз ишини биладиган ва оммани уюштираоладиган ишчан ва ташаббусчи раис қўйилганида энг қолоқ хўжалик ҳам икки-уч йил ичида илғор хўжалик бўлиб қолади, колхозчилар эса меҳнат кунларига юқори даромадлар оладиган бўлиб қоладилар. Бундай колхозларда давлат, умумхалқ манфаатлари колхозларнинг ва колхозчиларнинг манфаатлари блан тўғри уйғунлаштирилади. Аксинча, ишлабчиқариш имкониятлари катта бўлган колхозлар раҳбарлигининг телаграф йирик социалистик ишлабчиқаришни эплаолмайдиган тасодифий кишилар ўтиб қолса, бундай колхозлар кейинда қолабошлайди ва мажмағил бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг колхозларни раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорини бажариш ишлари Қозоғистон ССРда, Олтой ўлкасида, Калинин, Горький, Чкалов, Вологда, Новгород, Псков, Орёл, Брянск областьларида ва Татаристон АССРда айниқса ёмон аҳволда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет, қишлоқ хўжалик органларидан, МТСларнинг директорларидан колхоз раҳбар кадрларини танлашга мас'улиятсизлик блан қарашга хотима беришни ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашнинг ана шу туб масаласини амалда ҳал этишни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми социалистик қишлоқ хўжалигининг моддий-ишлабчиқариш базасини кучайтиришнинг кенг программасини қабул қилган эди. Пленум қарорларини бажариш юзасидан фақат 1953 йилнинг тўртинчи кварталидагина бизнинг саноатимиз қишлоқ хўжалигига (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 42 мингга яқин трактор, 11 мингдан кўпроқ ғалла комбайни, 22 мингдан кўпроқ трактор сеялкаси, тракторга тиркаб ишлатиладиган минглаб пичан ўриш машиналари ҳамда бошқа хил биринчи даражали машиналар етказиб берди. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги оғир индустриянинг қудратли асосига таяниб, ҳозирги замон техникаси блан тобора кўпроқ ва тез сур'атларда қуроллантирилмоқда. 1954 йилнинг бошида МТСларда 1 миллиондан кўпроқ (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) трактор, шу жумладан 460 минг дизель трактори, 270 минг ғалла комбайни, тракторга тиркаб ишлатиладиган 450 мингга яқин дон сеялкаси, тракторга тиркаб ишлатиладиган 260 мингдан кўпроқ пичан ўриш машинаси ва бошқа кўпгина мукаммал машиналар бор эди.

Шу блан бирликда, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қайд қилиб ўтадики, Машинасозлик министрлигининг раҳбарлари ва бирқанча заводларнинг директорлари қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш юзасидан ўзларига юклатилган вазифаларни қониқарсиз бажармоқдалар ва бу масалада ишга давлат нуқтаи назаридан қарамаётирлар. 1953 йилда «Беларусь» тракторларини чиқариш плани бажарилмай қолди. СКГ-4 маркали картошка экадиган машиналар ишлаб чиқариш топшириғи 59 процент бажарилди, картошка ковлайдиган КОК-2 маркали комбайнлар ишлаб чиқариш топшириғи 38 процент, тракторларга тиркаб ишлатиладиган КОН-2,8 маркали культиваторлар ишлаб чиқариш топшириғи 89 процент бажарилди. 1953 йилнинг тўртинчи кварталида сабзавот экадиган СОН-2,8 сеялкалари ишлаб чиқариш топшириғи фақат 60 процент бажарилди, кўчат экадиган СРН-4 маркали машиналар ишлаб чиқариш топшириғи 13 процент, ўсимликларни озиклантирадиган КРН-2,8 культиваторлари ишлаб чиқариш топшириғи 60 процент бажарилди. Машинасозлик министрлигига, Транспорт ва оғир машинасозлик министрлигига қарашли кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари МТСларни запас қисмлар блан узлуксиз ва бутлаб та'минлаш ишига мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда бирқанча областьлардаги, ўлкалардаги ва республикалардаги маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органлари МТСларда қурилиш ишларини қониқарсиз олиб бормоқдалар. 1953 йилда мастерскойлар қуриш плани фақат 57 процент, қишлоқ хўжалик машиналари сақланадиган саройлар ва айвонлар қуриш плани 70 процент бажарилди.

Жамоат чорвачилигини ривожлантиришда колхозлар ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалик мутахассисларини колхозларда ишлаш учун юбориш, чорва молларининг қишловини ўтказишда колхозларга МТСлар томонидан ташкилий ва техника ёрдами кўрсатилиши натижасида, шунингдек чорва молларини ҳисобга олиш куйини биринчи январьдан биринчи октябрьга кўчириш натижасида фермаларда чорва молларнинг сақланиши бирмунча яхшиланди. 1953 йилда гўшт, сут ва жун тайёрлаш ҳамда сотиб олиш 1952 йилдагига қараганда яхшироқ ўтказилди. Айни вақтда колхозлар 1953 йилда чорвачиликни ривожлантириш давлат планини қорамоллар ва қўйлар бўйича бажармадилар. Ем-хашак жамғариш плани бажарилмади, дағал ем-хашаклар 1952 йилдагига қараганда камроқ тайёрланди. Кўпгина область, ўлка ва республикаларда, айниқса Рязань, Тамбов, Псков, Кострома, Тула, Новгород, Орёл, Ярославль областьларида 1953 йилнинг IV кварталида сигирлар сонининг анча камайиб кетишига йўл қўйилди.

Область, ўлка партия комитетлари, иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини амалга ошириб, қишлоқда партиявий-сиёсий ишларга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Район партия аппаратининг ишини қайта қуриш, уни колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига яқинлаштириш бошланди. Район партия комитетларининг секретарлари бошчилигида бевосита МТСларда ва МТСлар хизмат кўрсатаётган колхозларда партиявий-сиёсий ишларни олиб борадиган инструкторлик группалари тузилди.

Броқ, қишлоқ хўжалигини бошқариш органларини ва қишлоқдаги партиявий-сиёсий ишларни қайта қуриш жуда суст бормоқда, бу эса хўжалик вазифаларини ҳал этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда, чунки колхозларга, МТСларга ва совхозларга раҳбарлик қилишни тубдан яхшиламасдан туриб, қишлоқдаги бутун партиявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг савиясини жиддий равишда оширмасдан туриб қишлоқ хўжалигини муваффақиятли равишда олдинга силжитиб бўлмайди.

II.

Дон хўжалигининг аҳволи ва ғалла етиштиришни кўпайтириш вазифалари

1. Мамлакатда халқ истеъмол қиладиган буюмларни ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтиришдан иборат бўлган ҳамда партия ва ҳукумат томонидан қўйилган умумхалқ вазифасини бажариш учун бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг негизи бўлган дон хўжалигини янада ривожлантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

Аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора кўпроқ ва тўла равишда қондириш аввало ғалла етиштиришни ўстиришга боғлиқдир. Чорвачилик проблемасини энг қисқа муддат ичида ҳал этиш бутун чорва молларини ем блан — маккажўхори, арпа ва сули блан етарли равишда та'минлашни талаб қилади. Пахтачилик ва зиғиркорлик районларида техника экинлари етиштиришни кенгайтириш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида сабзавот-картошка ҳамда чорвачилик базаларини ривожлантириш ҳам шу районларнинг аҳолисини ғалла блан та'минлашни кўпайтиришни талаб қилади.

Социалистик планли халқ хўжалиги давлат ғалла резервларини вужудга келтиришни ва ҳар йил янгилаб туришни тақозо қилади. Бундан ташқари, экспортни кўпайтириш учун мамлакат ортиқча ғаллага эга бўлиши лозим, чунки экспортнинг эҳтиёжлари ўсиб бормоқда.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини янада юксалтириш, аҳолининг ва бутун халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш дон хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятларга боғлиқдир.

Шу муносабат блан партия Марказий Комитетининг Пленуми қайд қилиб ўтадики, дон хўжалигининг ҳозирги вақтдаги мавжуд даражаси ғалланинг ялпи маҳсулоти жиҳатидан ҳам, ғалланинг товар маҳсулоти жиҳатидан ҳам халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қопламаётир. Давлат ихтиёрига тушаётган ғалланинг миқдори блан давлат томонидан сарф қилинадиган ғалланинг кўпайиб бораётганлиги бир-бирига мос келмай қолди. Колхозлар давлат олдидаги мажбуриятлари бажарганларидан кейин, уларда қолаётган ғалланинг миқдори ҳам колхозлар жамоат хўжалигининг ҳамма эҳтиёжларини қопламаётир; кўпгина колхозларда колхозчиларнинг меҳнат кунларига кам ғалла берилмоқда, айниқса ем учун кам ғалла қолмоқда, ем бўлмаса чорвачиликни кескин суратда юксалтириш мумкин эмас.

2. Партия Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, дон хўжалигини ривожлантириш даражасининг мамлакатда ғаллага бўлган эҳтиёжларнинг ўсиб бораётганлигига мос келмаётганлигининг ҳозирги даврда бирқанча сабаблари бор.

Экин майдонлари 1953 йилда 1940 йилдагига нисбатан ҳаммаси бўлиб 6,8 миллион гектар миқдорида кўпайгани ҳолда, дон экинлари экиладиган майдон 3,8 миллион гектар миқдорида камайди, ем бўладиган дон экинлари (маккажўхори, арпа, сули) экиладиган майдон 6,8 миллион гектар миқдорида, крупа бўладиган дон экинлари (тариқ, гречиха, шоли) экиладиган майдон 1,3 миллион гектар миқдорида ва дуккакли донлар экиладиган майдон 0,8 миллион гектар миқдорида кескин камайиб кетди.

Социалистик қишлоқ хўжалиги жаҳонда энг юксак даражада машиналаштирилган хўжалик бўлганлигига ва социалистик қишлоқ хўжалигини энг янги илғор техника блан та'минлаш йилдан-йилга ўсиб бораётганлигига қарамай, қўлланилаётган агротехника тадбирларининг ҳозирги даражаси ҳамма майдонларда дон экинларидан ҳали мўл ҳосил олишни та'минламаётир. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги ва уларнинг маҳаллий органлари, кўпгина МТСлар, совхозлар ва колхозлар дон экинларини парвариш қилишнинг агротехникасига менсимай қаралишига йўл қўймоқдалар, ёзги ва кузги шудгорлаш топшириқларини бажармаётирлар, уруғ экиш нормаларини камайтириб юбормоқдалар, экиш ва ўриб-йиғиб олиш муддатларини чўзиб юбормоқдалар, ҳосилнинг кўп нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар.

Дон хўжалигининг ривожланиш даражаси аҳолининг ва халқ хўжалигининг ғаллага бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос келмай қолганлигига асосий сабаблардан бири шуки, СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги экин майдонларини планлаштиришда, айниқса дон экинлари ва ўтлар экишни планлаштиришда қўпол хатоларга йўл қўйдилар. Ўт-далали деҳқончилик системасини мамлакат турли зоналарининг хусусиятларини ҳисобга олмай бир қолипда татбиқ қилиш орқасида Украинада, Шимолий Кавказ, Волгабўйи ҳамда Марказий-Қоратупроқ доирасидаги районларда дон экинларини экиш камайиб кетди.

Планлашдаги мана шундай ёмон практика мамлакат ғалла хўжалигини ривожлантиришга катта зарар етказди.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, мамлакат олдида ғаллани давлат йўли блан тайёрлаш ва сотиб олишни яқин йилларда 1953 йилдагига нисбатан 35—40 процент кўпайтирмоқ учун дон, озиқ-овқат, ем бўладиган, крупа бўладиган ва дон-дуккакли экинлар етиштиришни кескин суратда кўпайтириш вазифаси турибди.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз биринчи даражали техника блан кўп миқдорда та'минланган, бу нарса асосий қишлоқ хўжалик ишларининг ҳаммасини машиналаштиришга имкон беради. Ҳозир бизда йирик социалистик ишлабчиқариш — МТСлар, колхозлар ва совхозларнинг зарур раҳбар кадрлари бор. Қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришида қишлоқ хўжалик мутахассислари ва механизаторларининг жуда катта армияси ишламоқда. Ниҳоят, Совет мамлакати жуда кўп миқдорда ер бойликларига эга.

Шундай қилиб, социалистик қишлоқ хўжалигимиз дон етиштиришни кучли равишда юксалтириш учун ҳамма имкониятларга эгадир.

III.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш — ғалла етиштиришни кўпайтиришнинг йирик резервидир

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, мамлакатнинг ҳамма районларида дон экинларининг ҳосилини ошириш блан бирқаторда, янги ерларни ўзлаштириш ғалла етиштиришни кўпайтиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Қозоғистон, Сибирь, Ўрол, Волгабўйи районларида ва қисман Шимолий Кавказ районларида бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш йўли блан дон экинлари экиладиган ерларни кенгайтириш қисқа вақт ичида ғалла етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим ва мутлақо реал манбаидир. Шу районларда унумдор қора ва сарғиш тупроқли ўзлаштирилмаган ерларнинг жуда катта массивлари бор, қўшимча катта капитал маблағлар сарф қилмасдан мазкур ерларда мўл ҳосил олиш мумкин.

Сибирь, Қозоғистон колхозлари ва совхозларининг иш тажрибалари шуни кўрсатадики, янги очилган қўриқ ва бўз ерларда баҳори буғдойнинг ҳарбир гектаридан 14—15 центнердан ҳосил олиш учун тўла имконият бор, илғор хўжаликлар эса ҳарбир гектардан 20—25 центнердан ҳосил олмоқдалар. Чунончи, Челябинск областидаги «Петропавловский» совхози 1953 йилда 19 минг гектар, шу жумладан кейинги йилларда янги ўзлаштирилган 10 минг гектар ер майдонининг ҳарбир гектаридан 22 центнердан буғдой олди. Шимолий Қозоғистон области Конюхово районидаги «Путь Ленина» колхозида баҳори буғдойнинг ҳарбир гектаридан ўрта ҳисоб блан ҳақиқатда 14,5 центнердан ҳосил олингани ҳолда, янги ўзлаштирилган 350 гектар қўриқ ерга экилган баҳори буғдойнинг ҳарбир гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1954—55 йилларда бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига дон экинлари экиладиган майдонни камида 13 миллион гектар миқдорида кенгайтиришни ва шу ерлардан 1955 йилда 1.100—1.200 миллион пуд ғалла олишни, шу жумладан, 800—900 миллион пуд товар-ғалла олишни СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги олдига, Қозоғистон, Сибирь, Ўрол, Волгабўйи ва Шимолий Кавказнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олдига, шу районлардаги МТС, колхоз ва совхозлар олдига давлатнинг энг муҳим вазифаси қилиб қўяди.

2. Қозоғистон Компартиясининг Марказий Комитети, КПСС Сибирь, Ўрол, Волгабўйи ва Шимолий Кавказ область ва ўлка комитетлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, РСФСР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва ўлка ижроия комитетлари, мазкур районлардаги МТСлар ва совхозларнинг директорлари колхозлар ва совхозларда 1954 йилда, халқ хўжалик планига мувофиқ, буғдой ва тариқ экиладиган майдонни 2,3 миллион гектар миқдорида, шу жумладан колхозларда 1,8 миллион гектар ва совхозларда 0,5 миллион гектар миқдорида кўпайтирсинлар; 1955 йилда дон экинлари экиладиган майдонни яна камида 10,7 миллион гектар миқдорида кўпайтирсинлар.

Янги ўзлаштирилаётган ерларда 1955 йилда дон экинлари, одат тариқасида, яхши тайёрлаб қўйилган, ёзда ва эрта кузда шудгор қилинган ерларга экилиши лозим.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВ доклади юзасидан 1954 йил 2 мартда қабул қилган қарори

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

3. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, РСФСР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларда ва совхозларда дон экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш учун ер участкаларини, биринчи навбатда энг унумдор бўз ва қўриқ ерлардан, аҳоли яшайдиган пунктлар яқинидаги камҳосил пичанзорлар ва яйловлардан ер участкаларини ўз вақтида, лекин 1954 йил 1 июньдан кечиктирмай ажратиб ва чегаралаб берсинлар, янги ғаллакор совхозлар ташкил қилиш учун ҳамда совхозларга ва колхозларга ер олиб бериш учун давлат ер фондининг ерларидан ҳам фойдалансинлар.

4. Янги ерларда ер ҳайдаш, ерни экиш олдидан тайёрлаб қўйиш, экиш ва дон экинларининг ҳосилини ўриб олиш ишларини ўз вақтида бажариш ва мумкин қадар кам меҳнат сарф қилган ҳолда ғалла ҳосили олиш мақсадида дон экинларини парвариш қилиш ва ишлаш соҳасидаги ишларнинг ҳаммасини тўла равишда машиналаштириш та'минлансин.

Бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш, камҳосил ўтлоқлар ва яйловларни ҳайдаб ишга солиш ҳамда бўғдой экишни қўшимча равишда кўпайтириш ишларини бажармоқ учун 1954 йилда янги ерлар ўзлаштириладиган районларга (15 от кучига айлантириб ҳисобланганда) 120 минг трактор, 10 минг комбайн ва шунга етарлик миқдорда трактор плуглари, сеялкалар, оғир дискали бороналар, культиваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилсин. Машина-трактор паркига техника хизмати кўрсатмоқ учун етарли миқдорда автомашиналар, автомашиналарга ўрнатилган ремонт мастерскойлари, автоцистерналар, автозаправщиклар, нефть сақланадиган доимий катта идишлар, асбоблар ва ускуналар етказиб берилсин.

5. Партия Марказий Комитетининг Пленуми барча партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг э'тиборини шу нарсага жалб қиладики, бўз ва қўриқ ерларни муваффақиятли равишда ўзлаштириш дастлаб малакали раҳбар ходимларни, инженер-техник ва агроном кадрларни тўғри танлаб, янги ерлар ўзлаштириладиган районларга юборишга, шунингдек МТСлардаги ва совхозлардаги трактор отрядларини ва бригадаларни та'минлаш учун механизатор кадрларни тўғри танлаб юборишга боғлиқдир.

МТСларни ва совхозларни ишчи кучлар блан та'минлашни кечиктириб бўлмайдиган иш деб ҳисоблаб, янги ерларни ўзлаштираётган МТСларни ва совхозларни мавжуд МТСлар ва совхозларнинг ходимларидан бўлган, шунингдек қишлоқ хўжалигини механизациялаш ҳунар мактабларида, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўқув юртларида ва МТСлар ҳамда совхозлар ҳузуридаги курсларда тракторчилар ва комбайнчилар тайёрлаш ҳисобига малакали кадрлар блан та'минлаш зарур. Янги ерларда ташкил қилинаётган янги совхозлар учун ишчи кучларнинг етишмаган қисми ташкилий равишда ишчи кучлар олиш тартибида тўлдирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми янги ерларни ўзлаштираётган совхозларга ва МТСларга кенг тушунтириш ишлари олиб бориш асосида 1954 йилда раҳбарлик составини учун ходимлар, мутахассислар ва малакали ишчи кучи юбориш вазифасини иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, КПСС ўлка комитетлари ва область комитетлари олдига, республикаларнинг Министрлар Советлари, область ижроия комитетлари ва ўлка ижроия комитетлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги олдига,—барча партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олдига қўяди. Бундай ходимлар мавжуд МТСлар ва совхозлардан, шунингдек саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан танлаб олинсин. Ходимларни ташкилий равишда тўплаш ва янги ерлар ўзлаштириладиган районларга юборишга партия ва ҳукуматнинг муҳим топшириғини бажариш деб, катта ватанпарварлик иши деб ҳисобланиши лозим.

Ҳарбир корхона, муассаса ва ташкилот ўз коллективи составидан янги ерлар ўзлаштириладиган районларга бориб ишлашни хоҳлаган мутахассисларни ва малакали ишчиларни юборишни ўзлари учун фахрли бурч деб ҳисоблашлари лозим.

6. ВЛКСМ Марказий Комитетининг ва маҳаллий комсомол ташкилотларининг комсомоллар ва ёшлардан 100 минг механизаторни янги ерларни ўзлаштираётган МТСларга ва совхозларга ихтиёрий тартибда ташкилий равишда ишга юбориш тўғрисидаги ташаббуси ма'қуллансин.

7. Бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштираётган районлардаги МТС ва совхозларга ҳамда тайёрлаш ташкилотларига бошқа МТСлардан ва совхозлардан, саноат корхоналари ва ташкилотлардан юборилаётган инженерларга, техникларга, агрономларга, зоотехникларга ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассисларига, тракторчиларга, комбайнчиларга, малакали ремонт ишчиларига, ҳисобчи ходимларга ва бошқа ходимларга уларнинг илгари ишлаб турган жойларида олаётган уч ойлик окладлари (ишҳақлари) миқдорида бирйўла ёрдам берилсин, шунингдек мазкур ходимларнинг янги иш жойига кўчишлари блан алоқадор бўлган харажатлар меҳнат қонунлари Кодексининг 82-нчи моддасига мувофиқ тўлансин.

8. Янги ерларни ўзлаштираётган МТС ва совхозлардаги трактор бригадалари ва отрядларининг ходимларига зарур маиший шароит яратиб бермоқ учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1954 йилда дала шийпонлари ташкил қилиб, уларни ходимлар яшайдиган вагончалар ва палаткалар блан, ошхоналар, ҳаммомлар блан та'миналсинлар, шунингдек умумий овқатланишни ва сув блан та'минлашни ташкил этсинлар.

СССР Савдо министрлиги ва Центросоюз трактор отрядларида ва бригадаларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи даражада зарур бўладиган буюмлар блан савдо қилишни авж олдириб юбориб, бунинг учун сайёр дўконлардан кенг фойдалансинлар.

СССР Маданият министрлиги ва ВЦСПС янги ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги МТС ва совхозларнинг трактор отрядлари ва бригадалари ходимларига маданий хизмат кўрсатишни (кино, радио, газета, журнал ва ҳоказолар блан) та'минлашлари лозим. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги шу ходимларга медицина хизмати кўрсатишни та'минласин.

9. Янги ерларни ўзлаштириш планини бажаришда ва дон экинларидан мўл ҳосил олишда колхозлар, колхозчилар ва МТС ходимларининг моддий жиҳатдан манфаатдор бўлишларини ошириш мақсадида уларни қуйидаги тартибда рағбатлантириш жорий қилинсин:

а) колхозларга умумий йиғилишларнинг қарори блан далачилик ва трактор бригадалари ходимларига янги ерларга экилган бутун майдондан ҳосил олиш бўйича белгиланган план топшириқларидан ташқари олинган ҳосилнинг 30 процентигача бўлган миқдорда қўшимча ҳақ тўлаш тавсия қилинсин;

б) колхозларга, колхозчилар умумий йиғилишларининг кўрсатмаси блан колхозчиларнинг меҳнат кунларига янги ўзлаштирилаётган ерларнинг экин майдонидан олинган дон ҳосилини мажбурий етказиб бериш бўйича давлатга топшириқдан ва давлатнинг сотиб олиши тартибида давлатга сотишдан келадиган пул маблағининг тахминан 25 процентигача бўлган миқдорда аванс бериб туриш тавсия этилсин.

в) Центросоюз давлатнинг сотиб олиши тартибида дон топширган колхозларга сотиш учун сотилган дон қийматининг ҳар 100 сўмига чакана нархлар блан 50 сўмлик мол сотиш ҳисобидан саноат моллари, юк автомобильлари, автоприцеплар, электромоторлар, бинокорлик материаллари ҳамда ишлабчиқаришга ва хўжаликка керакли бошқа хил моллар ажратсин;

г) истисно тартибида МТСларнинг директорларига колхозлар томонидан ҳақиқатда олинган ва давлатга сотилган доннинг ҳарбир центнеридан 75 тийиндан қўшимча маблағ ажратиб, МТС трактор бригадаларининг ва махсус отрядларининг ходимларини мукофотлаш ҳуқуқи берилсин. Қўриқ ва бўз ерларда дон экинларини экиш ва ҳақиқатда ҳосилни олиш бўйича план топшириқлари бажарилган тақдирдагина мукофотламоқ учун мазкур ажратмалар ажратилсин.

Янги ташкил қилиниб бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштираётган совхозларнинг ишчиларига, хизматчиларига, мутахассисларига ва раҳбар ходимларига 1954—1955 йиллар учун уларнинг ишҳақларига 15 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш тартиби белгилансин.

10. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳосилдайдики, дон етиштиришни кўпайтириш вазифаси Қозоғистон, Сибирь, Ўрол, Волгабўйи ва Шимолий Кавказ районларидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш блан бир қаторда, мамлакатнинг бошқа районларида ва айниқса ери қоратупроқ бўлмаган доирадаги районларда фойдаланилмаётган ерларни, камҳосил ўтлоқлар ва яйловларни ҳайдаб ишга солиш, чакалакзорларни, дарахтзорларни очиб ишга солиш ва бутқоқликларни қуритиш ҳисобидан экин майдонларини анча кенгайтиришни талаб қилади.

Шу ишларни ўтказиш яқин йиллар ичида унумдор ерларни қўшимча равишда қишлоқ хўжалик оборотига киритишга, мамлакатнинг халқ тиғиз яшайдиган, саноати юксак даражада ривожланган районларида дон, сабзавот, картошка ва ем-хашак экинлари экиладиган майдонни кенгайтиришга ва шу туфайли шаҳарлар ҳамда саноат марказларининг аҳолисини янги сабзавотлар, картошка, сут ва гўшт блан та'минлашни анча яхшилашга имкон беради.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ери қоратупроқ бўлмаган доирада янги ерларни ўзлаштиришни ташкил қилишда жиддий камчиликлар борлигини қайд қилади. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари пул маблағларининг ва материалларнинг ўзлаштирилаётган жуда кўп майда об'ектларга сочилиб кетишига йўл қўймоқдалар. Шу сабабли янги ерларни ўзлаштираётган вақтда мелиорация ишларининг индустриал методларини қўлланиш мумкин бўлмай қолаётир, ишларни комплекс равишда механизациялаш та'минланмаётир, техникадан яхши фойдаланилмаётир ва ҳарбир гектар ерни ўзлаштиришга маблағ ва меҳнат кўп сарф қилинаётир.

Ери қоратупроқ бўлмаган доирада янги ерларни ўзлаштиришни ташкил этишни тубдан ўзгартириш ва бундан буён йирик массивларни ўзлаштиришни жорий қилиб, мелиорация техникасини мана шу об'ектларга тўплаб ишларни ташкил қилишда индустриал методларни кенг равишда қўлланиш зарур.

11. Биринчи навбатда Мешчерская пасттекислиги (айниқса Рязань, Владимир ва Москва областьларининг районларида), Украина ССРдаги Трубеж дар'ёси бўйидаги ерларни ва бошқа шулар сингари массивларни қуритиш ва ўзлаштириш ишларига киришиш зарур, деб ҳисоблансин.

СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети, Белоруссия ССР Министрлар Совети, Латвия ССР Министрлар Совети, Литва ССР Министрлар Совети, Эстония ССР Министрлар Совети ташлаб қўйилган ва захкаш ерларнинг йирик массивларини экинзорларга айлантириб ўзлаштириш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддат ичида ишлаб чиқсинлар, шу таклифларда мазкур ерларни ўзлаштирмоқ учун махсус қурилиш ва проект ташкилотлари тузишни, шу об'ектларда ишларни яқин вақтларда бошлаб юбормоқ учун мазкур ташкилотларни материал-техника блан тегишли равишда та'минлашни кўзда тутсинлар.

Уруш натижасида ва айрим колхозларнинг кучсизлиги сабабли қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолган ва ўзлаштирилиши учун катта харажатлар талаб қилмайдиган ерларни биринчи навбатда ўзлаштириб экинзорга айлантириш та'минлансин.

12. Марказий Комитет Пленуми шу нарсани қайд қилиб ўтадики, 1954—1955 йилларда мамлакатнинг Шарқий ва Шарқи-Жанубий районларида 13 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларнинг, шунингдек ери қоратупроқ бўлмаган доира районларида ва мамлакатнинг бошқа районларида ташландиқ ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши фойдаланилмаётган ерларнинг кенг массивларини ғалла етиштириши кўпайтириш, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун экинзорларга айлантириш соҳасида қилинадиган катта умумдавлат ишларининг бошланғичидир.

Янги ерларни ўзлаштириш ҳамда бўз ва қўриқ ерларга дон экинлари экишни кенгайтириш соҳасида мўлжалланган планнинг муваффақиятли бажарилиши асосан мана шу умумхалқ ишига партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг конкрет, оператив раҳбарлик қилишига, МТСлар ва совхозларни ташкилий-техника жиҳатдан тайёрлашга, колхозчиларнинг, МТС ва совхозлардаги ходимларнинг қўйилган вазифани бажариш учун қай даражада сафарбар қилинишига боғлиқдир.

Б. ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз, МТС ва совхозларнинг э'тиборини дон экинлари ҳосилини жиддий суратда ошириш зарурлигига алоҳида жалб этади. Дон экинлари ҳосилини ошириш — ғалла етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўли бўлиб келди ва шундай асосий йўли бўлиб қолади.

Хўжаликнинг социалистик системаси муттасил мўл ҳосил етиштириш имкониятини яратди. Илғор колхозлар, илғор МТС ва совхозларнинг практикаси буни исбот этади. Ана шу илғор колхоз, МТС ва совхозлар мамлакатнинг турли зоналарида йил сайин мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Аммо мамлакатнинг кўпгина районларида дон экинларини етиштиришда агротехника қоидалари қўпол равишда бузилиши натижасида дон экинлари ҳосили ҳали ҳам паст даражада қолмоқда. Дон экинларининг анчагина қисми баҳорда ҳайдалган ерларга экилмоқда, маҳаллий ва минерал ўғитлар дон экинлари майдонларига жуда оз миқдорда солинмоқда, кўпгина областьларда сортли дон уруғларини экиш суст жорий қилинмоқда. Қоратупроқ бўлмаган доира районларида аччиқ тупроқни оҳаклаш усули қўлланилмаётир дейиш мумкин, далаларга гўнг, торф ва бошқа маҳаллий ўғитлар жуда кам солинмоқда, ҳолбуки бундай районларда ҳатто механизациялаш юксак даражада бўлганида ҳам ўғит солмай туриб дон экиндиларидан яхши ҳосил олиб бўлмайди.

2. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотларига, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, колхоз, МТС ва совхозларга ўз э'тиборларини ҳосилни оширишга доир қуйидаги масалаларга қаратишни таклиф этади: агротехниканинг илғор методларини ишлабчиқаришда кенг қўлланиш: трактор паркидан яхши фойдаланиш; тўғри алмашлаб экишни тезликда жорий қилиш ва ўзлаштириш; дала ишларининг сифатини яхшилаш ва дала ишларини тўғказиш муддатларини қисқартиш; уруғчилик ишини яхшилаш; маҳаллий ўғитларни (гўнг, торф ва шу сингиларини) жуда кўп тўплаб, далага чиқариб солиш, минерал ўғитлардан яхши фойдаланиш, аччиқ тупроқни оҳаклаш ва шўрхок ерларни гипслаш; дон ҳосилини йиғиштириб олиш, ташиш ва сақлаш вақтида унинг нобуд қилинишига қарши курашни қат'ий кучайтириш; қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш тадбирларини системали суратда амалга ошириш.

Республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига районларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳарбир экин учун мажбурий агротехника талаблари минимумини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бу агротехника талабларида экишнинг оптималь муддатларини, экиладиган уруғ нормасини, шудгор қилиш муддатларини, кузда экиш учун ерни тайёрлаб қўйиш ва экиш муддатларини, комбайнлардан қолган ғалла поя ларни йиғиштириб олиш, кузги шудгорни ўтказиш, кузда экилган экинларнинг пайхон қилинишига йўл қўймаслик ва бошқа чораларни кўришни кўзда тутиш таклиф этилсин. Бу қоидаларда мажбурий агротехника талабларини бузган кишиларни жавобгарликка тортиш кўзда тутилсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига ва В. И. Ленин номидаги Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига мажбурий агротехника талаблари минимумини ишлаб чиқишда республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига зарур ёрдам ва консультация бериш топширилсин.

3. Ёзги ва кузги шудгорни ўз вақтида ўтказиш—ҳосилни оширишнинг тадбирлари системасида биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Талайгина майдондаги баҳори экинларнинг кўкламда ҳайдалган ерларга экилиши, кузги шудгор планларининг эса йилсайин бажарилмай қолиши тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол деб топилсин. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1955 йилдан бошлаб баҳори экиларни кузда шудгор қилинган ва ёзда шудгор қилинган ерларгагина экишни та'минласинлар, кузги экиларни, айниқса буғдойни яхши ишланган, ўғитланган, қора, тоза шудгор қилинган ва ҳайдаб қўйилган ерларга ёки экини йиғиштириб олиниб, ўз вақтида ишланган участкаларга экишни, бу участкалардаги экиларни баҳорда озиқлантиришни та'минласинлар.

4. Кузги ва баҳори экиларни агротехника жиҳатидан энг қулай муддатларда экиш — партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз, МТС ва совхозларнинг биринчи даражали вазифаси деб ҳисоблансин. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Қишлоқ хўжалик министрлигидан ва СССР Совхозлар министрлигидан, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан илғор хўжаликларнинг тажрибаси асосида, барча колхоз ва совхозларнинг кузги ва баҳорги экиларни ҳарбир зона учун агротехника жиҳатидан энг қулай муддатларда экиб бўлишга эришишни талаб этади.

5. Юқори ҳосилли яхши сортли уруғларни экиш нормасига тўла риоя қилиш, уруғчилик ишларини яхшилаш — ҳосилни оширишнинг муҳим шартидир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олдига яқин 2—3 йил ичида барча областьларда, ўлкалар ва республикаларда энг кўп ҳосилли ва сифати яхши бўлган, районларга мослаштирилган сортларни экишга кўчишни та'минлаш вазифаси қўйилсин.

Гречиха, дуккакли дон экинлари, тариқ уруғининг энг яхши сортларини тезликда кўпайтириш мақсадида 1954 йилда район уруғчилик хўжаликлари блан биргаликда илғор колхоз ва совхозларда бу экиларнинг уруғини кўпайтириш ишлари уюштирилсин.

6. Колхозларда мўл ҳосил олинишини та'минлашда МТСлар ҳал қилучи роль ўйнашини э'тиборга олиб, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, МТСларнинг барча ходимларидан трактор ишлари сифатини кескин суратда яхшилашни талаб этади. Ишларнинг ўз вақтида бажарилиши ва сифати учун мутахассисларнинг, айниқса давлат контролёри бўлган МТС бош агрономларининг жавобгарлигини ошириш зарур. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, иттифоқчи республикалар қишлоқ хўжалик министрликлари, ўлка, область қишлоқ хўжалик бошқармалари МТСларнинг ишига баҳо берганида даставвал ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларининг ҳосили ҳамда ялпи маҳсулоти юзасидан давлат топшириғининг қандай бажарилганлигини асос қилиб олсинлар. Олинган ҳосил МТС ишларининг сифатини кўрсатучи асосий мезон бўлиши керак.

7. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан органик ва минерал ўғитлардан фойдаланишга етарли баҳо бермасликни тугатишни талаб этади. Органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш — ҳосилни тобора оширишнинг энг муҳим воситасидир. Маҳаллий ўғитлардан тўғри ва кенг миқ'ёсда фойдаланиш 1954 — 1955 йиллардаёқ қўшимча равишда яна юзмиллион пудлаб ғалла олиш имконини беради.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги ва уларнинг жойлардаги органлари маҳаллий ўғитларни (гўнг, торф, компост ва бошқа ўғитларни) анча кўп тайёрланишини ва уларнинг ишлатилишини, бактерия ўғитларини кенг қўлланишни, минерал ўғитлардан фойдаланишни яхшилашни, торф ва охак чиқаришда, гўнг, торф ва бошқа маҳаллий ўғитларни ташиш ҳамда далага чиқариб солиш ишларида механизацияни кенг қўлланишни та'минласинлар, токи яқин икки-уч йил ичида колхоз ва совхозларда маҳаллий ўғитларни тайёрлаш, ташиш ва далага чиқариб солиш ишлари асосан механизациялаштирилсин.

Қоратупроқ бўлмаган зонада ўғитлардан фойдаланишга айниқса кўп э'тибор бериш керак. Бундай зонада гўнг, торф, фосфорит унини тупроққа солишни кенг қўлланиш, кўкат ўғит қилиш учун люпин ва бошқа экин майдонларини кенгайтириш, шунингдек аччиқ тупроққа охак солиш зарур. Ёзги шудгор вақтида етарли миқдорда гўнг, торф ва бошқа ўғитларни далага чиқариб солиш жуда зарур деб ҳисоблансин. Ғалла экиларини эртабаҳорда озиқлантириш учун органик ва минерал ўғитлардан кенг миқ'ёсда фойдаланиш та'минлансин.

СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига ва СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига ўғитлаш учун керакли торф чиқариш, аччиқ тупроқни оҳаклаш учун керакли оҳакни чиқариш ва майдалаш, шунингдек торф тайёрлаш учун керакли валкообразователлар, гўнг, торф ва оҳакни ортиш машиналари, автолапаталар, юкни автоматик усулда ўзи бўшатадиган трактор прицеплари, гўнг, торф, минерал ўғит ва оҳакни сочадиган универсал машиналар, оғир дискали бороналар, экскаваторлар, скреперлар, бульдозерлар ва оҳакни майдалаш учун керакли установкалар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва уларни қишлоқ хўжалигига етказиб бериш плани тўғрисидаги таклифларни бир ой ичида тақдим этиш топширилсин.

8. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кўпгина колхоз ва совхозларда ҳосилни йиғиштириб олиш даврида доннинг кўп нобуд бўлишига йўл қўйилаётганлигини тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳосилни йиғиштириб олиш вақтида доннинг нобуд қилинишига бепарво қарашга хотима берсинлар. Шу мақсадда 1954 йилда ғалла экиларини йиғиштириб олишда комбайнларнинг иш унумини анча ошириш, ўрим-йиғим ишларини яхши уюштириш ва комбайн агрегатларига техника жиҳатдан яхши хизмат кўрсатиш, донни комбайнлардан ташиб олиш учун керакли транспорт воситаларини ўз вақтида тахт қилиб қўйиш, дала хирмонларидаги ишларни механизациялаш та'минлансин.

9. СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига ва Машинасозлик министрлигига қуйидаги таклифларни икки ой ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин:

1954 — 1956 йиллар мобайнида комбайнларни ғалла экиндилари ўрим-йиғимини ўз вақтида ўтказишни та'минлайдиган миқдорда МТС ва совхозларга етказиб беришни кўзда тутиб, бу машиналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида; ғоят унумли ишлайдиган дон тозалаш машиналари — зернопульт-резнопогрузчиклар, стационар ва кўчма дон сушилкалари, шунингдек автомобильларга ўрнатиладиган кўчма торозилар, кўчма электростанцияларни кўплаб ишлаб чиқаришни уюштириш тўғрисида;

ишлабчиқариш бинолари, уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини уюштириш тўғрисида ҳамда катта-катта қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги МТС ва совхозларга зарур машина-ускуналарни келтириш ҳақида;

1954 — 1956 йилларда қишлоқ хўжалигига автомашиналарни, биринчи галда, ёғоч-металл кузовали автосамосвалларни ғаллани комбайнлардан асосан автомобиль транспорти блан ташишни та'минлайдиган миқдорда етказиб бериш тўғрисида.

10. Қишлоқ хўжалигини МТС ва совхозларнинг деталлар миқдори ва номенклатураси бўйича белгиланган эҳтиёжларига мувофиқ суратда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари блан та'минлаш — Машинасозлик министрлиги ҳамда Транспорт ва оғир машинасозлик министрлигининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

СССР Госплани, Машинасозлик министрлиги ҳамда Транспорт ва оғир машинасозлик министрлиги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш ва уларни кенгайтириш йўли блан, шунингдек ҳозирги вақтда запас қисмларни ишлабчиқаришда қатнашмаётган заводларда запас қисмлар ишлаб чиқаришни уюштириш йўли блан запас қисмлар ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш учун дарҳол чора кўрсинлар.

В. ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ВА УНИ СОТИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни та'кидлайдики, партия ва ҳукуматнинг ғалла тайёрлаш соҳасидаги сиёсатига асос қилиб олинган принцип, я'ни давлатга мажбурий тартибда ғалла топширишни экилган ҳар гектар ер бўйича ҳисоблаш принципи ўзини тамомила оқлади ва дон хўжалигини ривожлантиришда колхозларни манфаатдор қилди. Аммо ғалла тайёрлаш практикасида ғалла етказиб беришни гектар ҳисобидан белгилаш принципининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилмоқда ва мажбурий тартибда етказиб бериш юзасидан ғалла тайёрлашни планлаштириш ҳамда натура ҳақи тўлашда жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. Айрим областьлар, районлар ва колхозларда ғалла тайёрлаш планининг бажарилмай қолиши яхши ҳосил олган бошқа область, район ва колхозлар ҳисобидан қопланиши нотўғри бир қолдир. Бунинг натижасида мажбурий ғалла етказиб беришнинг гектар ҳисобидан белгиланадиган нормалари аслида ўз аҳамиятини йўқотиб қўяди.

Тайёрлаш министрлиги, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ижроия комитетлари ва область ижроия комитетлари колхозларнинг давлатга мажбурий тартибда ғалла ва шоли етказиб беришлари юзасидан районларга қараб янги нормаларни ишлабчиқиш ва тасдиқлаш вақтида ғалла экинлари етиштиришда тахминан бир хил шароитга эга бўлган районлар бўйича белгиланадиган нормаларнинг миқдорида катта тафовут бўлишига йўл қўймасинлар, ма'мурий район доирасида эса одатда, ғаллани мажбурий тартибда етказиб бериш юзасидан бир хил норма бўлиши керак.

2. Сибирь, Қозоғистон, Ўрол, Волгабўйи ва Шимолий Кавказдаги колхозларда янги ерларни ҳайдаш ва ишлаш давлат ҳисобидан берилаётган техника блан та'минланаётганлигини э'тиборга олиб, бу районларда янгидан ўзлаштирилаётган ерлар шу район колхозлари учун белгиланган нормаларда биринчи йил экилиши блан оқ давлатга мажбурий ғалла етказиб бериладиган ва натура ҳақи кат'ий ставкалар блан тўланадиган экинзорлар ҳисобига киритилади деб белгилансин.

3. Янги ташкил қилинган совхозларда ва янги ўзлаштирилган узоқ участкаларда ғалла экинлари экучи совхоз ва колхозларда ўрим-йиғим даврида уларнинг ғалласини қонда бўйича Союззаготтранс ва Совхозтранс автоколонналари комбайнлардан олиб давлат тайёрлаш пунктларига етказиб берадилар, бу пунктлар донни зарур бўлган даражада ишлаш, тозалаш ва қуритиш ишларини бажарадилар, деб белгилансин.

4. СССР Госплани ва Тайёрлаш министрлиги янги ерлардаги колхоз ва совхозлар томонидан топшириладиган ғалланни тўла қабул қилиб олишни та'минлаш учун мамлакатнинг шарқий районларида янги элеваторлар ва ғалла омборлари қурилишини кенгайтириш тўғрисида СССР Министрлар Советига таклиф киритсинлар.

5. Давлат ғалла ресурсларини тўлдирабориш ва ғалла етиштиришни кўпайтиришда колхоз ҳамда колхозчиларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида колхоз ва колхозчиларнинг ортиқча ғалласини сотиб олиш нархлари бўйича давлат йўли блан сотиб олишни ҳартомонлама кучайтириш зарур.

6. Тайёрлаш министрлиги ва Центросоюзга колхозларнинг белгиланган нормалар бўйича давлатга топширган ва сотган қишлоқ хўжалик маҳсулоти эвазига уларга ўз вақтида товар етказиб бериш чораларини кўриш топширилсин.

IV.

Қишлоқ хўжалигини планлаштириш, экин майдонларининг структурасини ўзгартириш ва ҳосилни ошириш тўғрисида

Экин майдонларидан тўғри фойдаланиш ва дон экинлари ҳосилини анча ошириш — дон хўжалигини эўр бериб юксалтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

А. БУҒДОЙ, ЕМ БЎЛАДИГАН ДОН ЭКИНЛАРИ, КРУПА БЎЛАДИГАН ЭКИНЛАР ВА ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ МАЙДОНЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни та'кидлайдики, экин майдонларининг мавжуд структураси мамлакатдаги турли районларнинг хусусиятларини ҳисобга олмай, ўт-далали системани яхши ўрганмай, хўжасизлик, шаблонлик блан қўлланилаётганлигини исбот этади. СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги қишлоқ хўжалигини планлаштиришда нотўғри йўл тутдилар. Бу нотўғри йўл Украина ССР, Молдавия ССРнинг жанубидаги, Шимолий Кавказдаги қурғоқчил ва ярим қурғоқчил районларда, мамлакатнинг шарқи-жанубий районларида жуда кам ҳосил берадиган кўпйиллик ўт экиладиган майдонларни асоссиз суратда кенгайтиришдан, шунингдек дон экинлари майдонларининг ва айниқса маккажўхори, дуккакли дон экинлари, крупа бўладиган экинлар ва ем бўладиган дон экинлари майдонларининг жиддий суратда камайтириб юборилишидан иборат. Ана шундай нотўғри планлаштириш натижасида дон экинларини экиш анча камайган, крупа бўладиган экинлар, дуккакли дон экинлари ва ем бўладиган дон экинларининг ялпи маҳсулоти камайиб кетган.

СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, Жанубдаги ва Шарқи-Жанубдаги областьлар, ўлкалар ҳамда республикаларнинг маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ўт-далали алмашлаб экишни жорий қилишда йўл қўйилган хатоларни тугатиш чораларини кўрсинлар ва экин майдонларининг структурасини ўзгартсинлар, токи 1954 йилдан бошлаб, кам ҳосилли кўпйиллик ўт майдонларини камайтириш ва бузиб юбориш ҳисобига дон экинлари ва айниқса крупа бўладиган экинлар, дуккакли дон экинлари ҳамда ем бўладиган экинлар анча кўп экилсин.

2. СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Совхозлар министрлигига дон, дуккакли дон экинлари, крупа бўладиган экинлар, ем бўладиган дон экинлари, маккажўхори, қанд лавлаги, кунгабоқар, пахта, зиғир илдизи молга ёдириладиган экинлар, силос қилинадиган экинлар майдонини кенгайтиришни, шунингдек боғ ва узумзор майдонларни анча кенгайтиришни кўзда тутиб, бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштиришни, илгари ҳайдаб қўйилган ерларни тўла ўзлаштиришни ҳисобга олиб, экин майдонларининг мамлакатдаги зоналар бўйича 1955 йилдаги структураси тўғрисидаги таклифларни иттифоқчи республикалар блан келишиб уч ой ичида ишлаб чиқиш ва СССР Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

3. Қишлоқ хўжалигини планлаштиришдаги мавжуд системада планлаштиришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилиши қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришда колхозлар, МТС ва совхозларнинг ташаббусини бўғиб қўяди. Қишлоқ хўжалигини планлаштиришнинг мавжуд системасидаги жиддий камчиликларни э'тиборга олиб, СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Совхозлар министрлигига қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини планлаштиришда жойларнинг кўпроқ ташаббус кўрсатишига имконият бериб, қишлоқ хўжалигини планлаштириш практикасини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни иттифоқчи республикалар блан келишиб, икки ой ичида ишлабчиқиш ва бу таклифларни СССР Минист

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВ доклади юзасидан 1954 йил 2 мартда қабул қилган қарори

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Пахтачилик бўйича. Ўрта Осиё, Закавказьенинг суғориладиган районларидаги ва Қозоғистондаги, шунингдек Украина ССР, РСФСРнинг пахта экиш учун энг қулай бўлган жанубий районларидаги ва Молдавия ССРдаги колхоз ва совхозларда пахта майдонини яқин йиллар ичида анча кенгайтириш, пахта ҳосилини ва унинг ялпи маҳсулотини кўпайтириш зарур деб топилсин. Илгари ишлатилиб келинган бўлса ҳам кейинчалик ташлаб қўйилган суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш та'минлансин.

Ўзбекистон партия ва совет органларининг суғориш шохобчалари мавжуд бўлган, аммо фойдаланилмасдан ётган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиб, уерларга пахта экиш тўғрисидаги ташаббуси ма'қуллансин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, Ўрта Осиё, Закавказье ва Жанубий Қозоғистон областидаги пахтакор районларнинг маҳаллий партия ва совет органлари 1954 — 1958 йиллар мобайнида барча пахтакор колхозларда пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштиришга, колхозларда сувдан фойдаланишни қаттиқ контроль қилишни та'минлашга ва қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда энг мукаммал усулларни кенгроқ қўлланишга эришсинлар. Яқин 2—3 йил ичида суғориладиган ерларнинг мелиорация аҳволини тубдан яхшилашга эришилсин. Мавжуд коллектор-зовур шохобчаларини тартибга солиш ва янгиларини қуриш соҳасида зарур ишлар олиб борилсин ва суғориладиган ерларнинг бундан кейин шўр босиб, уларда экин экилмай қолишига йўл қўйилмасин.

СССР Кенг исте'мол саноат моллари министрлиги ва пахтакор республикаларнинг Министрлар Советлари пахта тозалаш заводлари ва уларга қарашли тайёрлаш шохобчаларининг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўрсинлар.

Узунтолали ғиғир ва конопля бўйича. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми узунтолали ғиғир ва конопля етиштиришнинг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кейинда қолаётганлигини ва бу иш э'тиборсиз ташлаб қўйилганлигини та'кидлайди. Ғиғир экадиган областлар ва республикалардаги колхозларнинг кўпчилигида ғиғир ҳосили ҳали ҳам паст, ғиғир маҳсулоти тайёрлаш планлари бажарилмаётир ва колхозлар ўзларини ўз уруғлари блан та'минламаётирлар. Кейинги уч йил ичида ғиғир экиладиган ерлар 35 процент камайди. Ғиғир толасининг ялпи маҳсулоти саноатнинг ғиғирга бўлган эҳтиёжларини та'мин этмаётир.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, партия ва совет органлари бундай аҳволга тоат қилиб келмоқдалар ва ғиғир ҳамда конопля ҳосилини кўпайтириш, бу соҳадаги қолоқликни йўқотиш ва ғиғир ҳамда конопля етиштиришни янада ошириш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. СССР Кенг исте'мол саноат моллари министрлиги ғиғир ва конопля трестасини тайёрлаш саноат усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун зарур чораларни кўрмаётир. Машинасозлик министрлиги ғиғир ва конопля етиштириш ишларини механизациялаш учун янги машиналар ишлаб чиқаришда суст ҳаракат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ғиғир ва конопля етиштириладиган областлардаги маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик органларига узунтолали ғиғир ва конопля экиладиган майдонларни анча кенгайтириш ва бу экинларнинг ҳосилини кўпайтириш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

СССР Госпланига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ғиғиркорликни ривожлантириш ва колхоз ҳамда колхозчиларнинг ғиғир ва конопля етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирларини бир ой ичида ишлаб чиқиш ва СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

СССР Кенг исте'мол саноат моллари министрлиги трестани тайёрлаш цехлари ва ғиғир янчиш цехлари қурилишини та'минласин.

Қандлавлаги бўйича. Аҳолини қанд блан та'минлашни анча кўпайтириш зарурлигини э'тиборга олиб, яқин 2 — 3 йил ичида қандлавлаги етиштириш учун энг қулай шароитга эга бўлган районларда қандлавлаги майдонлари камида 300 минг гектар кенгайтирилсин ва қандлавлагининг ҳосилини ҳамда унинг ялпи маҳсулотини анча кўпайтириш чоралари кўрилсин.

Мойли экинлар бўйича. Ўсимлик мойини кўпроқ етиштириш учун мойли экинлар ҳосилини кескин суратда кўпайтириш блан бирқаторда биринчи галда Волга бўйи, Қозоғистон, Ғарбий Сибирь ва Ўрал районларида кунгабоқар, ғиғир ва бошқа мойли экинлар майдонини 500 — 600 минг гектар кенгайтириш зарур деб топилсин.

Мойли экинлар ҳосилини кўпайтириш мақсадида, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия ва совет органлари яқин 2—3 йил ичида мойли экинлар экиладиган бутун майдонда уларни етиштириш ишларини комплекс асосда механизациялашни та'минласинлар. 1954 йилдан бошлаб кунгабоқарни уялаб-квадрат усулда экишга кўчиш та'минлансин.

Богдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш тўғрисида. Мамлакатимизда озиқ-овқат моллари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган мева, резавор ва узум етиштиришни ҳам анча кўпайтиришга эришмоқ зарур.

Аммо кўпгина колхоз ва совхозларда боғдорчилик ва узумчилик ишлари э'тиборсиз ташлаб қўйилган ва улар қишлоқ хўжалигининг қолоқ тармоқлари бўлиб қолмоқда. Саратов, Пенза, Куйбишев, Горький, Тула ва Тамбов областларидаги колхоз ва совхозларда боғдорчиликни ривожлантириш айниқса ёмон аҳволда. Бу областларда боғлар урушдан аввалги вақтдагига нисбатан камайиб кетган. Азалдан мевачилик блан шуғулланиб келган районларда, чунончи Курск, Орёл, Белгород, Рязан, Қрим областларида, Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Озарбайжон ССР, Грузия ССР, Арманистон ССРда боғдорчилик ишлари кўнгилдагидек эмас. Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофидаги районларда, шунингдек колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг томорқа участкаларида боғдорчилик суст ривожланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш соҳасида рўй берган аҳволни тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди ва боғ ҳамда ток ҳосилини ҳартомонлама оширишни, мева ва ёнғоқ дарахтлари майдонини кенгайтиришни, яқин йиллар ичида мева, резавор мева, узум етиштириш ва исте'мол қилишни кескин суратда оширишни кўзда тутиб, уларнинг ялпи маҳсулоти ва товар маҳсулотини кўпайтиришни энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўяди.

СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлигига ва Химия саноати министрлигига қуйидаги тадбирларни бир ой ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин:

А) боғлар ва токзорлардаги заракунандалар ва касалликлар блан қурашиш учун керакли заҳарли моддалар ва аппаратлар блан совхоз ҳамда колхозларни та'минлаш ҳақидаги тадбирлар;

Б) мева-ток кўчатларини парвариш қилиш ва ўтқазиш ишларини тобора механизациялаш ҳамда токни ишкомга олишни та'минлаш ҳақидаги таклифлар.

Чой, цитрус, эфир мой берадиган ўсимликларни ва бошқа ўсимликларни етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида Марказий Комитет Пленуми СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлигига, Грузия, Озарбайжон, Краснодар ўлкасидаги маҳаллий партия ва совет органларига чой, цитрус, эфир мой берадиган ўсимликлар ҳосилини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда ана шу ўсимликлар майдонини кенгайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш мажбуриятини юклайди. Чой баргини йиғиш ишлари яқин йиллар ичида механизациялаштирилсин.

VI.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани қайд қиладики, СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги, шунингдек ба'зи маҳаллий партия ва совет органлари чорвачилик учун ем-хашак базаси яратишдаги ўзларининг амалий ишларида ем бўладиган дон экинларини ҳамда ширали ем-хашакларни етиштиришга етарлик баҳо бермасликдан иборат бўлган жиддий хаталарга йўл қўйдилар. Натижада колхозлардаги жамоат чорвачилигининг емга бўлган эҳтиёжи жуда кам миқдорда қондирилмоқда, ўт экиладиган майдон кенгайтирилганига қарамай, пичан етиштириш кўпаймади. Ваҳоланки, ем ва ширали хашаклар етарлик миқдорда бўлмаса, интенсив жамоат чорвачилигини ривожлантириш мумкин эмас. Ширали ем-хашаклар етиштириш жуда орқада қолмоқда. Силос бўладиган экинларнинг, хашаки илдиз-мева ва хашаки полиз экинларининг ҳосили паст, силос қилиш планлари ҳар йил бажарилмасдан қолмоқда. Чорва молларни тўқ тутадиган маккажўхори силос учун етарлик миқдорда экилмаётир. Бирқанча районларда колхозлар силос бўладиган экинларни экиш ўрнига, ўтлоқлардаги ўтларни ўриб олиб, силос қилмоқдалар, бу эса, иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб, ем-хашакларни силослаш ва пичан тайёрлаш планининг бажарилмай қолишига муқаррар сабаб бўлмоқда.

Дағал ем-хашаклар етиштириш ва тайёрлаш ҳам чорвачиликнинг эҳтиёжларидан кейинда қолмоқда. Ҳарбир бош чорва молига тўғри келадиган дағал хашакларнинг ўртача миқдори кейинги йилларда анча камайиб кетди. Экилган ўтларнинг ва табиий пичанзорлардаги ўтларнинг ҳосили пастлиги сабабли пичан кам олинмоқда.

2. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига чорвачилик учун ем-хашак экинлари ва ширали ем-хашаклар етиштиришга аҳамият бермай қарашга хотима бериш, жамоат чорвачилигини ем блан ва бошқа ем бўладиган озуқалар блан та'минламоқ учун ем бўладиган экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш ва уларнинг ҳосилини ошириш таклиф қилинсин.

Силос қилинадиган экинлар ва айниқса маккажўхори, хашаки илдиз-мева экинлар, чорва мол озуқаси учун қанд лавлаги ва картошка, хашаки полиз экинлари экиладиган майдонни айрим районларнинг иқтисодий ва табиий шароитларини ҳисобга олиб кенгайтириш ва шу экинларнинг ҳосилини ошириш йўли блан ширали ем-хашаклар жамғариш бўйича белгиланган топшириқларни ҳеч сўзсиз бажариш тадбирлари кўрилсин, ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш ишлари ташкил қилинсин.

3. Картошка соғин сигирларнинг сутини қисқа муддат ичида анча кўпайтиришга ҳамда чўчқаларни ва паррандаларни кенг миқдорда боқиб семиртиришга ёрдам бериши мумкин бўлган юқори сифатли мол озиғи эканлигини назарда тутиб, ери қоратупроқ бўлмаган доирадаги, Сибирьдаги, Марказий қоратупроқ областьларидаги районларда, шунингдек Украина ССРнинг ўрмон-чўл ва ўрмонлик районларида чорва молларга озуқа ўрнида ишлатмоқ учун картошка етиштиришни анча кўпайтириш зарур деб топилсин, токи картошка шу районлардаги колхозлар ва совхозларнинг ем-хашак ресурсларида кўзга кўринарли ўрин олсин.

4. Озиқ-овқат саноатига қарашли кўпгина қанд, спирт, пиво заводларида ва бошқа корхоналарда молга яхши озуқ бўладиган чиқитлардан чорва молларни боқиб семиртириш учун фойдаланиш ёмон ташкил қилинганлиги нотўғри деб ҳисоблансин.

СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги озиқ-овқат саноати корхоналарининг чиқитларидан — барда, жом, мязги ва бошқалардан чорва молларни боқиб семиртириш учун пунктлар ташкил қилиш йўли блан тўла равишда фойдаланиш чораларини кўрсинлар.

5. Юқори сифатли силос тайёрлаб қўйишни кўпайтириш мақсадида СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, маҳаллий партия ва совет органлари силос башнялари ҳамда цементланган траншеялар қуришни кенг миқ'ёсда ташкил қилсинлар, ғалла ўриш учун яроксиз бўлган комбайнларни силос экинларини ўриб берадиган қилиб қайтадан ускуналасинлар.

6. СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, Геология ва ер ости бойликларини сақлаш министрлигига, Қурилиш министрлигига, РСФСР, Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркманистон ССР ва Тожикистон ССРнинг Министрлар Советларига чорва молларни ҳайдаб боқиладиган мавсумий яйловларнинг янги кўпгина массивларини ўзлаштириш (қудуқлар ва чорва молларни суғорадиган иншоотлар, чорвачилик бинолари, шунингдек уй-жой ва маданий-маиший бинолар қуриш) тадбирларини икки ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш таклиф қилинсин.

7. Шу нарса қайд қилиб ўтилсинки, чорвачиликни планлаштириш ишларида СССР Госплани ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги чорва молларнинг сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун план топшириқлари белгилашда шаблончиликка йўл қўймоқдалар, бу эса чорвачиликни ривожлантириш учун табиий ва иқтисодий шароитлардан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келмоқда.

СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги мамлакатнинг турли иқтисодий районларидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, чорва молларини тўғрироқ жойлаштириш зарурлигини ва гўшт, сут, жун ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришнинг ер майдонларининг ҳар 100 гектарига тўғри келадиган миқдорини кўпайтириш зарурлигини назарда тутиб, чорвачиликнинг айрим тармоқларини ривожлантиришни планлашда йўл қўйилган хатоларни тузатсинлар.

VII.

Совхозларни янада ривожлантириш ва уларнинг рентабеллигини ошириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳисоблайдики, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин суратда юксалтириш ва мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишда совхозлар катта роль ўйнайди. Йирик давлат социалистик хўжаликлари бўлган, илғор қишлоқ хўжалик техникаси блан та'мин ланган совхозлар ғалла, картошка, сабзавот, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга топширишни энг қисқа муддат ичида кескин суратда кўпайтирмоқ ҳамда намунали ва юксак даражада рентабелли хўжаликлар бўлиб қолиш учун жуда катта имкониятларга эгадирлар.

Броқ, совхозларнинг ишида катта-катта камчиликлар бор. Совхозларда деҳқончиликни ва чорвачиликни ривожлантирмоқ учун жуда катта ер майдонларидан ёмон фойдаланилмоқда. қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили паст. Кўпгина совхозлар хўжаликни ривожлантириш давлат планларини йилдан-йилга бажармасдан келмоқдалар, уларда етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиқ бўлмоқда ва улар катта зарар бермоқдалар. Мамлакат шу вақтгача совхозлардан ғалла, гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кам олмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани қайд қилиб ўтадики, кўпгина ссвхозларнинг кейинда қолаётганлиги ҳамда совхоз ишлабчиқаришнинг ва айниқса дон хўжалигининг ночор аҳволга тушиб қолганлиги СССР Совхозлар министрлиги томонидан ёмон раҳбарлик қилинаётганлигининг, илғорлар тажрибасини жорий қилиш ишига бепарволик блан қаралаётганлигининг оқибатидир. СССР Совхозлар министрлиги совхозларнинг ерларидан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйди. Министрлик совхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришни планлаштираётганда дон техника экинлари — картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва чорвачиликни анча тезроқ ривожлантириш учун совхозлардаги жуда катта ер массивларидан фойдаланишни кўзда тутмади. СССР Совхозлар министрлигининг от заводларига қарашли ерлардан фойдаланишда хўжасизлик қилганлиги айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир, от заводларига қарашли 5,4 миллион гектар ердан дон экинлари экиш учун фақат 275 минг гектари фойдаланилмоқда. СССР Совхозлар министрлигининг энг жиддий хатоси шуки, у, совхозларда дон экинлари экиладиган майдонларнинг салмоғини анча камайтиришга йўл қўйди, бу эса давлатнинг манфаатларига бутунлай зиддир.

СССР Совхозлар министрлиги совхозларни малакали раҳбар кадрлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари блан мустаҳкамлаш чораларини кўрмади, бу эса, совхоз ишлабчиқаришининг жиддий равишда орқада қолаётганлигининг асосий сабабларидан биридир.

Кўпгина совхозларда агротехника талабларига риоя қилинмаётир ва ишланаётган ерлар қаровсиз ҳолга тушиб қолган, ишларнинг ёмон сифатли қилиб бажарилишига, экиш, ёзги ва кузги шудгорлаш муддатларининг чўзилиб кетишига йўл қўйилмоқда, экинларнинг анчагина қисми сортли бўлмаган уруғлар блан экилмоқда. Совхозлар органик ва минерал ўғитларни кам ишлатмоқдалар ва аччиқ тупроқли ерларни охаклаш ишларини етарли миқдорда бажармаётирлар. Йиғим-терим ишлари ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб ўтказилмаётганлиги сабабли ҳосилнинг кўп нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Совхозларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстиришнинг прогрессив усуллари ва методлари — картошка, сабзавот ва бошқа экинларни квадрат-уялаб ва квадрат қилиб экиш усуллари, дон экинларини қатор ораларини торайтириб ва шахмат усулида экиш ҳамда ҳосилни оширишга ёрдам берадиган бошқа илғор агротехника усуллари суст жорий қилинмоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришда катта камчиликлар бор. Чорвачиликни ривожлантириш ва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан давлат томонидан белгиланаётган топшириқларни кўп совхозлар бажармаётир. Совхозларнинг анчагина қисмида чорва молларининг нобуд бўлишига ва ургочи молларнинг қисир қолишига йўл қўйилмоқда. Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги, айниқса қўйлардан қирқиб олинадиган жуннинг миқдори, бўрдоқига боқилган чўчқалар ва қорамолларнинг семириши ҳали ҳам кам. Бирқанча совхозларда сигирлар камсут.

Ем-хашаклар етиштириш ва тайёрлашнинг жиддий равишда орқада қолаётганлиги совхозлардаги чорвачиликнинг қониқарсиз аҳволда эканлигига асосий сабабларнинг биридир. Совхозларда ем-хашак экинларининг ҳосили жуда паст. Чорва молларга бериш учун картошка ва маккажўхори етарлик миқдорда ўстирилмаётир.

Совхозларда тракторлардан ва қишлоқ хўжалик машиналаридан қониқарсиз фойдаланилмоқда, тракторлар, комбайнларнинг ҳар сменадаги иш унуми паст, машиналар кўп вақт бекор туради. Бу эса, асосий қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш муддатларининг чўзилиб кетишига ва ҳосилнинг камайишига сабаб бўлмоқда. Кўпгина совхозлар машиналарни ремонт қиладиган мастерскойлар, тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини сақлайдиган саройлар ва айвонлар блан та'минланмаган.

Совхозларда қурилиш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда жиддий камчиликлар бор; шу мақсадлар учун ажратилаётган пулларнинг анчагина қисми ҳар йил фойдаланилмасдан қолмоқда. Совхозларда бинокор ишчиларнинг доимий кадрлари вужудга келтирилмаган, қурилиш ишларида мавсумчилик рўй бермоқда ва қурилиш ишларида механизация деярлик қўлланилмаётир. Мана буларнинг ҳаммаси шунга олиб келмоқдаки, ишлабчиқариш биноларини, уй-жой ва маданий-маиший биноларни қуриш планлари бажарилмай қолмоқда ва совхозларда шундай бинолар жуда етишмаётир. Совхозларнинг фермалари ва яйловлари сув блан яхши та'минланмаган.

СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлигига қарашли совхозларнинг ишларида ҳамда бошқа министрликларнинг ва идораларнинг совхозларида ҳам катта-катта камчиликлар бор.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми совхозларнинг ишларини тубдан яхшилашни, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишни ва шу асосда яқин 2—3 йил ичида давлатга топшириладиган донинг миқдорини камида 500 миллион пудга етказишни, шунингдек гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширишни кескин суратда кўпайтиришни СССР Совхозлар министрлигининг ва иттифоқчи республикалар совхозлар министрликларининг, совхозлари бўлган министрликлар ва идораларининг, областьлар, ўлкалар ва республикалардаги партия ва совет органларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Маҳсулотнинг таннархини анча камайтириш, ҳарбир совхознинг рентабел ишлашини та'минлаш ва совхозларни намунали хўжаликка, юксак товар хўжалигига айлантириш зарур.

2. Совхозлар мамлакатнинг Шарқий ва Шарқи-жанубий районларидаги бўз ва қўриқ ерларни, мавжуд совхозларнинг ҳаммасида ўзлаштирилмасдан ётган ер фондларини ўзлаштириш йўли блан, шунингдек дон экинларининг ҳосилини ҳартомонлама ошириш йўли блан ғалла етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнашлари лозим. Юксак даражада машиналаштирилган йирик хўжаликлар бўлган совхозлар меҳнатни энг кам сарф қилиб, ғалла етиштириш ва мамлакатга энг арзон ғалла бериш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

СССР Совхозлар министрлиги, РСФСР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, Қирғизистон ССР Министрлар Совети, ўлкаларнинг ижроия комитетлари ва областьларнинг ижроия комитетлари, Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, ўлкалар ва областьларнинг партия комитетлари, шу республикалардаги совхозларнинг директорлари 1954—1955 йилларда совхозларда бўғдой ва тариқ экиладиган майдонни 4,3 миллион гектар миқдорида кўпайтирсинлар, шундан 2,3 миллион гектар экин майдонини мавжуд совхозлардаги қўриқ, бўз ва бошқа ерларни ўзлаштириш ҳисобига ва 2 миллион гектар экин майдонини давлат ер фонди ерлари ҳисобига кўпайтирсинлар.

1954—1955 йилларда йирик ғаллакор хўжаликлар сифатида янги ғаллакор совхозлар ташкил қилиш зарур деб топилсин. Шу янги ташкил қилинадиган совхозлар бўғдой, тариқ, сули, маккажўхори ва бошқа дон экинларини экишга, қисман кунгабоқар ва кудряш-ғиғир экишга ихтисослаштирилсинлар ва ҳамма ишларни тўла равишда машиналаштирсинлар. Белгиланиб қўйилсинки, янги ташкил қилинаётган совхозларда трактор-далачилик бригадаси асосий ишлабчиқариш тармоғи бўлиши лозим, трактор-далачилик бригадасига тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, сайёр вагончалар, палаткалар, автомобильларга ўрнатилган ремонт мастерскойи, сайёр ошхона ва тракторларни ёнилғи ҳамда сув блан заправка қилиш учун автоцистерна биркитиб қўйилсин.

3. СССР Совхозлар министрлигига, маҳаллий партия ва совет органларига малакали, энг тажрибали совхоз директорларини, инженер-механиклар, агрономларни, бухгалтерларни, трактор-далачилик бригадаларининг бригадирларини, трактористларни, комбайнчиларни мавжуд совхозлардан танлаб олиб, янги ташкил қилинаётган ғаллачилик совхозларига юборишни та'минлаш таклиф қилинсин.

4. СССР Совхозлар министрлиги, партия ва совет ташкилотлари совхозларни малакали раҳбар ходимлар ва мутахассислар блан мустаҳкамлаш чораларини кечиктирмай кўрсинлар, совхозларга директор қилиб, қонда тариқасида, олий қишлоқ хўжалик ма'лумотига эга бўлган мутахассисларни, совхоз бўлимлари ва фермаларига бошқаручилар қилиб олий ва ўрта қишлоқ хўжалик ма'лумоти бўлган мутахассисларни ва совхозларнинг бош мутахассислари вазифасига махсус олий ма'лумоти бўлган кишиларни тайинласинлар.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан инженерларни ва техникларни танлаб олиб, совхозларда бош инженер, ремонт мастерскойларининг мудирлари, совхоз бўлимлари ва фермаларининг механиклари сифатида ишлаш учун юборсинлар.

5. СССР Совхозлар министрлигига совхоз ишлабчиқаришини планлашда йўл қўйилган хатоларни тугатиш, ҳарбир табиий-иқтисодий зонанинг совхозлари бўйича ердан энг мақсадга мувофиқ фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш, тармоқларни тўғри равишда бир-бирига мослаб ривожлантириш йўлларини белгилаб бериш таклиф қилинсин.

От заводлари қарамоғида бўлган ҳамма ерлардан тўлиқ фойдаланишни назарда тутиб, дон экинлари экиладиган майдонни кенгайтириш ва маҳсулдор чорвачиликни ривожлантириш топшириқларини ҳарбир от заводи бўйича бир ой муддат ичида қўриб чиқиб, тасдиқлансин.

6. СССР Совхозлар министрлигига ҳамда иттифоқчи республикаларнинг Совхозлар министрликларига совхоз ишлабчиқаришининг ҳамма тармоқларини янада механизациялашни та'минлаш, техникадан фойдаланишни тубдан яхшилашга эришиш, ремонт мастерскойлари қуришни, машиналар сақланадиган саройлар ва айвонлар, чорвачилик бинолари қуришни кенг авж олдириб юбориш таклиф қилинсин. Шунингдек уй-жой бинолари ва маданий-маиший муассасалар қуриш ҳам авж олдирилсин.

Белгиланиб қўйилсинки, ҳарбир совхоз ва от заводи, қонда тариқасида, ўзининг типовой ремонт мастерскойига, тракторлар, комбайнлар ва қишлоқ хўжалик машиналари сақланадиган етарлик миқдордаги саройларга, айвонларга ва асфальтланган майдончаларга, нефть базасига, автогаражга ҳамда запас қисмлар ва материаллар сақланадиган складга эга бўлиши лозим.

7. СССР Совхозлар министрлиги ва иттифоқчи республикаларнинг совхозлар министрликлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми томонидан совхозларда чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун қўшимча чораларни кўрсинлар.

Шу мақсадларда:

а) чорва молларни урчитиб кўпайтиришни ҳамда катта ва ёш молларнинг сақланишини яхшилаш та'минлансин, чорва молларнинг зотини саралаш ишлари анча яхшилансин, сигирларнинг сонини ва улардан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини тез кўпайтиришга эришилсин;

б) чўчқаларни семиртириш ишлари анча кенгайтирилсин ва 1956 йилда давлатга топшириладиган чўчқа гўштининг миқдори 450 минг тоннага етказилсин. Чўчқаларни боқиб семиртиришда силос қилиб қўйилган картошкадан ва маккажўхоридан, шунингдек озиқ-овқат саноатининг чиқитларидан кенг суратда фойдаланилсин;

в) қўйларнинг сонини кўпайтириш блан бир қаторда уларнинг сержунлигини анча ошириш чоралари кўрилсин, майин жунли ва ярим майин жунли қўйларнинг сони яқин 2—3 йил ичида кўпайтирилсин;

г) ҳарқайси зонанинг табиий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, даставвал дон олиш ва силос қилиш учун маккажўхори экишни, чорва молларининг озуқаси учун картошка экишни, қанд лавлаги, суданка ва бошқа энг қимматли ва серҳосил озуқа экинлари экишни анча кенгайтириш йўли блан ҳарқайси совхозда чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш та'мин лансин.

8. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми совхозларнинг ишларини тубдан яхшилаш ва совхоз ишлабчиқаришини кескин суратда юксалтириш ишига катта аҳамият бериб, иттифоқчи республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига совхозларга раҳбарлик қилишга кўпроқ э'тибор бериш, уларнинг ишлари устидан контрольликни кучайтириш ҳамда совхозларни малакали кадрлар блан мустаҳкамлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди. Партия органлари совхоз партия ташкилотларини мустаҳкамлаш юзасидан, совхоз ишлабчиқаришини янада юксалтириш учун совхоз партия ташкилотларининг ролини ва мас'улиятини ошириш юзасидан, партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш ҳамда совхозларнинг ходимларига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан кун сайин иш олиб боришлари лозим.

VIII.

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш ва қишлоқда олиб бориладиган сиёсий иш тўғрисида

1. Партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги ва қаётий муҳимлиги партия ва совет органларининг қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг ҳамма участкаларига ниҳоят даражада моҳирлик блан ва чуқур раҳбарлик қилишларини, оммани қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг туб масалаларини бажариш учун уюштирабилишларини талаб қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани қайд қиладики, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, партия ва совет ташкилотлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми очиб ташлаган камчиликларни жуда секинлик блан йўқотмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида шундай зарарли, бюрократик практика юз бердики, аппарат раҳбар ходимларининг ва мутахассисларининг асосий кучлари колхозчиларни, МТС ва совхозларнинг ходимларини партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун уюштириш соҳасидаги конкрет жонли ишга қаратилмасдан, балки жуда кўп директивалар, резолюциялар, справкалар, хатлар, ҳисоботлар тузишга ва кўпинча ҳечкимга керак бўлмайдиган бошқа хил қоғозлар ёзишга қаратилмоқда, бу эса, партия, совет ходимларини ва мутахассисларни бевосита МТСларда, колхозлар ва совхозларда ташкилотчилик ишлари олиб боришдан четга тортиб қўймоқда.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигида, СССР Совхозлар министрлигида раҳбарлик соҳасида қўлланиб келаётган зарарли, канцелярячилик-бюрократчилик методини маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари ва машина-трактор станциялари кўчириб олиб, улар ҳам колхозлар ва совхозларни ҳаддан ташқари кўп ҳисоботлар тузиш ва керексиз ҳархил қоғозлар ёзиш блан банд қилиб қўймоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Қишлоқ хўжалик министрлигидан, СССР Совхозлар министрлигидан, область, ўлка партия комитетларидан ва иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларидан қишлоқ хўжалик органларининг ишларидаги жиддий камчиликларга хотима беришни ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги канцелярячилик-бюрократчиликдан иборат зарарли практикани йўқотишни, қоғозбозлик ва ҳисоботлар тузишни камайтиришни, колхозлар, МТС ва совхозлар блан жонли алоқа боғлашни, ходимларнинг топширилган иш учун мас'улиятларини оширишни, уларнинг кучларини колхозлар, МТС ва совхозларга илғор ишлабчиқариш тажрибаларини ўзлаштиришда ва ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатишга қаратишни талаб қилади.

2. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорида район партия комитетларининг ва район ижроия комитетларининг ишларини қайта қуриш соҳасида берилган кўрсатмалар бирқанча областьларда суст бажарилмоқда ва кўпинча бу иш расмиятчилик характерида ўтказилмоқда. Партия райкомлари ходимларининг район партия комитетларининг МТСлар бўйича секретарьлари бошчилигидаги группалари бирқанча жойларда ҳали чинакам ишга киришганлари йўқ. Шу группаларни ходимлар блан та'минлашда кўпгина областьларда ва республикаларда яхши тайёргарлиги бўлган, ўз вазифасини тушунадиган, колхоз ишлабчиқаришини биладиган, партия ишини севадиган одамларни шундай группаларга танлаб олишга э'тибор берилмади.

Кўпгина район партия комитетлари эски методлар блан ишлашни давом этдирмоқдалар, район партия комитетларининг МТСлар бўйича секретарьлари ва инструкторлари район марказларида яшамоқдалар ва ўз вақтларининг кўп қисмини район марказида ўтказмоқдалар. МТС ва колхозларга камдан-кам бормоқдалар, уларнинг ишини

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВ доклади юзасидан 1954 йил 2 мартда қабул қилган қарори

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Область, ўлка ва республика ташкилотлари аппаратидаги энг яхши ходимларни, шунингдек шаҳарлар ва саноат марказларидаги партия ва совет ходимларини доимий ишлаш учун қишлоқ район партия комитетлари ҳамда район ижроия комитетларига юбориш йўли блан партия ва совет аппаратининг район звеносини малакали раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлаш чоралари кўрилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамлаш — қишлоқ хўжалиги соҳасида қўйилган вазифаларни бажаришнинг энг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблайди.

Колхоз тузуми — илғор ижтимоий тузумдир. Колхозлар қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантириш учун чексиз имкониятларга эгадирлар. Аммо бу имкониятлардан тўла фойдаланиш учун колхозларга раҳбарликни жиддий суратда яхшилаш, ҳеч мустасносиз барча колхозларни илғорлар даражасига кўтаришга эришиш зарур.

Бизда қолоқ колхозлар ҳали оз эмас. Бундай колхозларда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган, меҳнат ёмон уюштирилган, меҳнат унуми паст, ердан хўжасизлик блан фойдаланилади. Бунинг натижасида ана шундай колхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кам тайёрламоқдалар.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий комитетлари, ўлка, область ва район партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш блан системали суратда ва пухта шуғулланишлар. Колхозларда меҳнат интизомини қат'ий суратда мустаҳкамлаш чораларини кўриш, меҳнатни яхши уюштириш, колхозда меҳнат унумини тўхтовсиз ошириш имконини берадиган прогрессив иш нормаларини қишлоқ хўжалик ишларида сабот блан жорий қилиш, колхозларга биркитиб берилган ердан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш зарур, токи ҳар гектар экин майдонидан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олинсин. Фақат шу асосдагина қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотини системали суратда ошириш, қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулотини кўпайтириш, колхозларнинг жамоат бойлигини ошириш ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини йил сайин юксак даражага кўтариш мумкин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари илғор колхозларнинг ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини барча колхозларда жорий қилишга алоҳида э'тибор қилишлари керак.

4. Кўпгина маҳаллий партия ва совет органлари колхоз раислари составини мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. Ҳолбуки, колхозлардан бир қисмининг раҳбарлигини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозирги шароитда колхоз раисининг роли бениҳоя ўсди ва партия томонидан колхозлар олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши даставвал колхоз раисига боғлиқдир.

Район, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқчи республикалар Компартия Марказий Комитетлари ҳарбир колхозга йирик колхоз хўжалигини муваффақиятли бошқаришга қодир бўлган малакали ва тажрибали раҳбарнинг етакчилик қилишини та'мин этсинлар.

Колхоз раҳбар кадрларини тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан маҳаллий партия органларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида колхоз раисларини область, ўлка партия комитетлари ва иттифоқчи республикалар Компартия Марказий Комитетларининг номенклатурасига олиш зарур, колхоз раисларининг ўринбосарларини, ишлабчиқариш бригадаларининг бошлиқларини ва чорвачилик фермаларининг мудирларини район партия комитетларининг номенклатурасига олиш зарур.

5. Колхоз раисларини тайёрловчи учйиллик қишлоқ хўжалик мактабларида колхоз раҳбар кадрларини тайёрлашдаги мавжуд система ўз вазифасини бажаролмаётир деб та'кидлансин. Бу мактабларга асосан, тўлиқсиз ўрта мактабларни тамомлаб чиққан ва қишлоқ хўжалигида раҳбарлик иши тажрибасига эга бўлмаган ёшлар қабул қилинмоқда, амалий иш соҳасида катта тажрибаси бўлгани ҳолда зарур даражада умумий тайёргарлиги бўлмаган кишиларнинг кўпчилиги бу мактабларга кираолмай қолади.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Маданият министрлиги зарур билими бўлмаган практиклар орасидан колхоз раисларини тайёрлашни уюштириш тўғрисидаги таклифларини бир ой ичида СССР Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этсинлар.

6. Марказий Комитетнинг Пленуми партия ва совет ташкилотларининг айрим раҳбар ходимлари, шу жумладан ба'зи область партия комитетларининг секретарьлари ва область ижроия комитетларининг раислари қишлоқ хўжалигини яхши билмайдилар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосларини ўрганмаётирлар, деб та'кидлайди. Бу эса колхоз, МТС ва совхозларга раҳбарлик қилиш сафатига жиддий та'сир кўрсатади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши блан боғлиқ бўлган барча партия ва совет кадрлари олдига қишлоқ хўжалигини олиб бориш асосларини эгаллаш, қишлоқ хўжалик илғорлари томонидан қўлланилаётган янги усул ва методларни билиш вазифаси қўйилсин.

7. Ғалла етиштиришни айниқса кўпайтириш учун қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш иши давлат нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига янги ерларни ўзлаштириш соҳасида доимий ишлаш учун боришни истаган кўнгиллиларни жалб этиш мақсадида қишлоқ механизаторлари, мутахассислар ва раҳбар қишлоқ хўжалик кадрлари ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш мажбуриятини юклайди. Тушунтириш ишларида матбуот, радио, кинодан ва пропаганда ҳамда агитациянинг бошқа воситаларидан фойдаланиш зарур. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозчиларни, МТС ва совхозларнинг ходимларини янги ерларни ўзлаштиришда актив қатнашишга чақиради.

8. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва ушбу Пленум томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун қишлоқда сиёсий ишларни кескин суратда кучайтириш талаб этилади. Партия ташкилотлари шунга эришмоқлари керакки, қишлоқнинг барча меҳнаткашлари — колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни яхши тушуниб олсинлар ва уларнинг ҳарбири ўз участкасида ана шу вазифаларни бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилсин. Қишлоқда сиёсий ва оммавий-маданий ишларни олиб бориш учун қишлоқ интеллигенциямизни — ўқитучилар, врачлар, агрономлар, зоотехниклар, инженерларни кенг жалб этиш керак. Булар катта куч бўлиб, партия ташкилотларининг таянчи бўлаоладилар ва таянчи бўлишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқдаги барча коммунистларни ва комсомолларни, барча колхозчиларни ҳамда МТСлар ва совхозларнинг барча ходимларини дон хўжалигини кучли равишда юксалтириш учун, ҳамма қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун, молларнинг сонини янада кўпайтириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чақиради.

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

СОФИЯ, 4 март. (ТАСС). Болгария Коммунистик партиясининг VI с'ездида сайланган БКП Марказий Комитетининг бугун пленуми бўлди. Пленум Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари қилиб Вилко Червенковни, Георгий Дамяновни, Антон Юговни, Георгий Чанковни, Райко Дамяновни, Тодор Живковни, Георгий Цанковни, Енчо Стайковни, Иван Михайловни, Сиёсий бюро а'золигига кандидат қилиб Тодор Праховни ва Петр Панчевскийни сайлади.

Марказий Комитетнинг секретарьлари қилиб Тодор Живков (биринчи секретарь), Димитр Ганев ва Борис Тасков сайландилар.

Марказий контроль комиссиясининг раиси қилиб Иван Илчев тасдиқланди.

Бугун Болгария Коммунистик партияси Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия раиси қилиб Иордан Катранжиев сайланди.

АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ НАЙРАНГЛАРИ

Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари томонидан амалга оширилаётган янги жаҳон урушига тайёргарлик сиёсати бошқа мамлакатларнинг экономикасини ўзларига бўйсундириш, ҳарбий блоклар уюштириш ва демократик лагерь мамлакатларининг чегараларига бевосита яқин бўлган бошқа мамлакатлар территорияларида ҳарбий базалар қуришни ўз ичига олади.

Америка империалистларининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги агрессив планларида Афғонистонга анча катта ўрин берилади. Осиё қит'асининг деярлик худди ўртасида жойлашган ва Америка Қўшма Штатларидан неча минглаб километр узоқда бўлган бу кичик мамлакатга кейинги йилларда Америка томонидан кучли таз'йиқ қилинмоқда. Америка Қўшма Штатларининг агрессив доиралари Афғонистоннинг «иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш» баҳонаси блан Афғонистонга ўз эмиссарларини юбориб турмоқдалар. Бу эмиссарлар мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига суқилиб кириша интилмоқдалар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти техника ёрдами кўрсатиш миссиясининг ходимлари ниқоби остида ёки «мутахассислар» ва «маслаҳатчилари» ниқоби остида ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай бир факт диққатни ўзига жалб этадики, бу «мутахассислар»нинг ҳаммаси Афғонистонга келганларидан кейин, даставвал мамлакатнинг шимолий районларига, я'ни Совет Иттифоқи блан чегарадош районларига бормоқдалар. Сўнгги бир йил ичидагина бу районларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миссиясининг беш комиссияси ва 10 дан кўпроқ «мутахассислари» келиб кетди.

Ҳиндистонда чиқадиган «Дели таймс» газетаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти техника ёрдами бериш миссиясининг Афғонистондаги фаолиятига тўхталиб, бу миссиянинг бошлиғи Филипп Бек Америка армиясининг полковники эканлигини ёзди. Бу полковник илгари Кореяда офицер-инструктор бўлиб хизмат этган, кейинчалиқ Япониядаги америкаликларнинг оккупацион ма'мурлари ҳузурида маслаҳатчи бўлган.

Бек Афғонистонга келишидан олдин Ғарбий Германияда пропаганда масалалари бўйича мутахассис сифатида хизмат қилган.

Бу миссиянинг ходими Диксон пахта бўйича мутахассис эмиш, ҳолбуки у мамлакатнинг шимолий районларида топографияни, аҳоли яшайдиган пунктларнинг жойлашувини ўрганиш блан шуғулланмоқда.

Иккинчи ходим Бертон гўё «қорақўл қўйчилиги бўйича мутахассис» эмиш. Аммо у Афғонистоннинг аэродромларига ва самолётлар қўнадиган майдончаларига жуда қизиқмоқда. У, Афғонистоннинг Совет Иттифоқи чегараларига ёндош бўлган районларини аэроплондан фотосуратга олмоқда.

Американинг «Моррисон-надсен» қурилиш компанияси Афғонистонда ҳарбий топография ишлари олиб бормоқда.

Ўтган йилнинг охирида америкали сенатор Ноуленднинг ва сўнгра Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Никсоннинг Кобилга қилган сафари ҳам Афғонистонда америкали агентларни янада активлаштириш планлари блан боғлиқдир.

Ноуленд Афғонистондаги аҳвол блан танишиб, Афғонистондаги «Ислоҳ» газетаси ёзганича, «мамлакатга шу вақтгача юборилиб турганига қараганда анча кўпроқ америкали мутахассислар юбориш йўли блан Афғонистонга Америка ёрдамини анча кенгайтиришни» зарур деб топган.

Вице-президент Никсон ҳам бу мамлакатга сафар қилганида Афғонистоннинг ички ишларига Американинг аралашувини кучайтиришга эришиш учун ҳаракат қилди.

Бу фактларнинг ҳаммаси америкали империалистларнинг Афғонистондаги ишлари агрессив мақсадларни кўзда тутганлигини ва Афғонистон давлатининг суверенитетига бевосита хавф туғдираётганлигини кўрсатади.

А. НЕНАШЕВ.

АНГЛИЯ БЛАН АМЕРИКА ЎРТАСИДА ЭРОН НЕФТИ УЧУН КУРАШ

ЛОНДОН, 4 март. (ТАСС). Яқинда Лондонда Эрон нефти ҳақидаги масала юзасидан саккизта йирик нефть компаниясининг вакиллари ўртасида музокаралар яна бошланди. Бу музокаралларда инглиз компанияларидан «Англия-Эрон нефть компанияси» ва «Ройял дэтч шелл» компаниялари, бешта йирик америка нефть компанияси ва «Компани франсэз де петроль» деган француз компаниясининг вакиллари қатнашмоқда. Бу компаниялларнинг вакиллари Эрон нефтини сотиш юзасидан консорциум деб аталган уюшмани ташкил этишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўймоқдалар.

Бу музокараларнинг бориши Англия блан Америка ўртасида нефть учун бораётган курашнинг янада жуда кескинлашиб кетганлигини ва америкаликларнинг инглизларни кейинга суриб чиқариш ва Эрон нефтини ўз қўлларига олиш пайига тушганликларини яққол кўрсатади. Шу муносабат блан инглиз матбуоти анча ташвиш тортмоқда ва бу курашга катта э'тибор бермоқда. Масалан, «Дейли телеграф энд морнинг пост» газетаси Лондондаги музокараларнинг «мўлжалланганидан кўра ҳам узоқ чўзилиб кетаётганлиги» ҳақида хабар қилиб, бундай деб ёзади: «Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, акцияларни бўлиш ҳақида келишилгани йўқ». Газета «Англия ҳукумати «Англия-Эрон нефть компанияси»нинг акцияларидан 53 процентини контроль қилиб турганлигини та'кидлаб, бундай деб ёзади: «Англия-Эрон нефть компанияси консорциум акцияларининг камида 50 процентини ўз қўлида сақлаб қолишига қаттиқ қарор бергани ҳолда бу музокараларни бошлаган эди. Броқ эндиликда бу умиднинг чиппакка чиқаётганлиги равшан бўлмоқда».

Газетанинг хабаридан ма'лум бўлишича, америкалилар қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги натижасида Англия ўзининг аввалги талабидан воз кечишга ва «Англия-Эрон нефть компанияси»га консорциум акцияларининг 44 проценти берилишига рози бўлишга мажбур бўлган. Лекин, газетанинг ёзиб ўтишича, Америка компанияларининг вакиллари «Англия-Эрон нефть компанияси» акцияларнинг фақат 40 процентига эга бўлсин деб талаб қилмоқдалар.

Англия ма'мурлари совет хотин-қиз делегатларининг келишларига рухсатнома беришдан бош тортдилар

ЛОНДОН, 4 март. (ТАСС). «Дейли уоркер» газетасининг хабар беришича, Англия ички ишлар министрлиги Белфастдаги (Шимолий Ирландия) хотин-қизлар ассамблеяси томонидан Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган митингда қатнашиш учун чақирилган беш совет аёлининг келишига рухсатнома беришдан бош тортган.

Белфаст хотин-қизлар ассамблеяси ички ишлар министрлигига ва парламентнинг бирқанча лейборист а'золарига норозилиқ мактуби юборган ҳамда Шимолий Ирландия ма'мурларидан рухсатнома берилишига эришиши учун чоралар кўришни сўраган.

Совет иттифоқига бориб келган инглиз саноатчисининг айтганлари

ЛОНДОН, 3 март. (ТАСС). Совет Иттифоқига бориб келган инглиз фирмалари вакиллари группасининг раҳбари Ж. Б. Скоттнинг мақоласи «Стар» газетасида э'лон қилинди. Скотт ўзининг шу мақоласида Совет Иттифоқидан олган таассуротларини, жумладан, Москвада бўлган вақтида олган таассуротларини баён қилди. «Москва кўчаларининг тоза ва покизалиги, — деб ёзади у, — мени ҳайратда қолдирди: асосий кўчаларнинг кўпи шуқадар кенгки, бу кўчаларда машиналар ҳар икки томонга олти қатор бўлиб юроаладилар». Скотт Москванинг транспорт системасини тасвирлаб, бундай дейди: «Рус автомашиналари ҳақиқатан ҳам жуда яхши. Машҳур метро, ҳеч шубҳасиз, Москвада одамлар энг кўп қатнайдиган транспорт воситаси бўлиб қолган. Чиройли кенг поездлари ҳамда мармар ва бронза блан безатилган станциялари бўлган Москва метроси жаҳондаги энг гўзал ерости темир йўлидир. Фақат фойда олиш мақсадинигина кўзловчилар бундай иншоотни вужудга келтираолмаган бўлур эдилар, мен бунга ҳақиқатан ҳам аминман.

Кўчаларда сайир қилиб юрганимда, рус кишиларида кўрган нарсам асосан шу бўлдики, улар, ҳеч шубҳасиз, яхши овқатланадилар ва соғломдирлар. Болалар ҳам жуда соғлом кўринадилар. Улар шаҳар парклари ва чаналарда сайр қилиб юрибдилар ва ўзларининг мўйна пўстинлари блан ғоят ёқимли бўлиб кўринадилар».

Скотт Москва магазинларини тасвирлаб, уқтириб ёзадики, бу магазинларда «моллар жуда кўп, одамларнинг ҳам магазинларда бўлган нарсаларни сотиб олиш учун етарлик пуллари борга ўхшайди. Магазинларда одамлар ҳаммавақт лиқ тўла. Давлат универсал магазини мен кўрган магазинларнинг энг яхшиси ва замонавийсидир... Сиз шу магазинда телевизордан тортиб тайёр кийимларгача, чанг тозалайдиган машинадан тортиб араққача ҳамма нарсани сотиб олишингиз мумкин. Озиқ-овқат магазини менинг алоҳида э'тиборимни жалб қилди. Мен бу магазининг ойналари остида турли хил озиқ-овқатларни — ветчиналарни, икраларни, шоколодларни, тортларни, виноларни кўрдим. Давлат универсал магазинига ўхшаган магазинлар жуда кўп».

СУДАНДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Хартумдан (Судан) берган хабарига қараганда, 1 мартда Хартумда бўлган можаролар натижасида, одам ўлдиришда ҳамда намойишларда иштирок қилишда айбланиб 173 киши қамоққа олинган.

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Хартумдан берган хабарига қараганда, бугун Судан ҳукуматининг вакили, «хатарли ҳолат» э'лон қилиш ҳамда Судан парламентининг очилишини кечиктириш тўғрисидаги қарорларни Судан генерал-губернатори Роберт Хау Судан министрлар кабинети блан маслаҳатлашмай қабул қилган, деб айтган.

Судан ҳукумати генерал-губернаторнинг бу хилдаги қарорларни ҳукумат блан масалаҳатлашмай қабул қилишга ҳақи йўқ, дейди. Ҳукумат а'золари рўй берган аҳвол тўғрисида Судан генерал-губернатори ҳузуридаги халқаро комиссия а'золарига хабар қилганлар ва шу комиссиядан генерал-губернаторнинг ваколатлари масаласини аниқлаб беришни талаб қилганлар.

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Хартумдан хабар беради:

1 мартдаги тўқнашиш вақтида ярадор бўлган беш киши жароҳатнинг оғирлигидан ўлган. Ўлдирилганларнинг сони шундай қилиб, 34 кишига етган. Хартум госпитальларида 217 ярадор, шу жумладан, оғир ярадор бўлган тўрт полициячи ётибди.

ФИНЛЯНДИЯДА ИШСИЗЛАРНИНГ СОНИ ҲАҚИДАГИ МА'ЛУМОТ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 март. (ТАСС). Финляндия радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Иўллар ва жамоат ишлари министри э'лон қилган расмий ма'лумотларга қараганда, шу йил февраль ойининг охирида ишсизлар сони бутун мамлакатда 52.700 кишидан иборат бўлган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Москвада Литва адабиёти ва сан'ати декадаси бошланди

Москвада Литва адабиёти ва сан'ати декадаси ўтказилиши—пойтахтнинг ҳаётида катта воқиа бўлиб, кўп миллатли совет маданиятининг гуллаб-яшнаганини яна намойиш қилади. Декадада Литва республикасининг сан'ат усталаридан ва адабиётчилардан мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. Москвалилар олдида ижодий ҳисобот бериш учун ёзучилар ва шоирлар, Литва драма, опера ва балет театрларининг машҳур актерлари ва режиссёрлари, рассомлар, скульпторлар, композиторлар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг қатнашчилари келдилар.

Москвадаги энг катта театрларнинг саҳналарида ва концерт залларида 4 мартда—декада бошланган кунда литва сўзлари ва литва миллий музикаси жаранглаб эшитилди.

Декада ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри филиалида тантанали суратда бошланди. Пойтахт сан'ат ходимлари ва ССР Иттифоқи Большой театри коллективи номидан меҳмонларни РСФСР Халқ артисти А. Батурин табриклади.

Жавоб нутқи сўзлаган СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати К. Петраускас, Москвадаги бу учрашув совет халқлари ўртасидаги самарали дўстликни исботлайдиган яна бир далилдир, деди.

— Биз,—деди у,—ўз муваффақиятларимиз учун даставвал улуғ рус халқидан миннатдормиз, улуғ рус халқининг ҳақиқий театр маданияти бизлар учун илҳомбахш намунадир.

Театр коллективи А. Бородининнинг «Князь Игорь» номли классик операсини кўрсатди. Литва театри Мусоргскийнинг «Борис Годунов» номли асарини маҳорат блан саҳнага қўйганлиги учун Сталин мукофоти блан тақдирланган эди. Театр коллективи «Борис Годунов» операси каби «Князь Игорь» операсининг ҳам—рус опера сан'атининг дурри гавҳарларидан бири бўлган бу операнинг ҳам бутун бой мазмунини тамошабинга етказа билди.

Москвалилардан кўп киши МХАТ филиалида ҳозир бўлди. Бу ерда Литва ССР Давлат драма театрининг спектаклъларини бошланди. Бу театрнинг энг яхши постановкаларидан бири—Сталин мукофоти лауреати А. Гудайтис—Гузявичюснинг «Темирчи Игнотас ҳақида қисса» номли пьесаси саҳнага қўйилди.

П. И. Чайковский номидаги Концерт залида Литва ССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг ўйинларини кўриш учун москвалилардан бирярим мингдан кўпроқ киши тўпланди. Ансамблнинг бадиий раҳбари—Литва ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, Сталин мукофоти лауреати И. Шведас.

Москва цирки саҳнасида Литва цирк сан'ат усталарининг гастрольлари бошланди.

Москва Актерлар уйида «Литва ССР театр сан'ати» виставкаси очилди.

Москвада Литва адабиёти ва сан'ати декадасининг бошланиши совет маданиятининг чинакам байрами, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари бораётган мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини кўрсатучи байрам бўлди. (ТАСС).

Механизатор кадрлар тайёрлашга мас'улиятсизлик блан қаралмоқда

(«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан)

Бирнеча юз минг сўмни ташкил қиладиган кўп машиналар 4—5 йилдан бери Пушкин кўчаси бурчагидаги майдончада қор, ёмғир остида занг босиб ётипти. Ўқучилардан бирнечаси шу ердаги машиналар блан таниш мақ учун келиб, машиналар устидаги қорни тозалайбошладилар. «С—80» трактори олдида турган ўқучилардан бирининг қўли совуқ еди шекилли, иситгани чопиб кетди. Эски бостирманинг олдида ўқучи Федор Коробка ўнга яқин синфдошлари блан кичик стол атрофига тўпланиб, моторнинг қандай мойланишини ўз билганларича ўрганаётирлар. Ўқучи Валентина Зузина ариқ олдида гавроқ ўйнаб бепарво ўтирипти, скамейкада ўтирган Антонина Курюкина эса мастер Александр Мишининг келиши блан стол ёнига яқинлашди.

Машиналарнинг қисмлари блан танишадиган 90 минутлик амалий машғулот шундай беҳуда ўтиб кетди.

Ҳозир Мирзачўл қишлоқ хўжалик ўқув юртидаги бўлажак механизатор кадрларнинг амалий машғулотлари мана шундай ўтаётир деса, муболаға бўлмайди. Ўқув юрти дирекцияси ўқиш ва амалий тажриба ишларининг сифатини яхшилаш тўғрисида сра қайғирмаётир. «Нуқул хўжалик ишлари блан банд бўлиб қолдим, бош қашишга ҳам вақт тополмаётирман» деб юрган ўқув юртининг директори ўртоқ М. Ризаев бу ердаги хўжасизликларни кўрабериб қуникиб қолган. Илмий бўлим мудири ўртоқ М. Мулюков дарс жадваллари тузишдан бошқа нарсани билмайди. Бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Носков «менинг ишим бухгалтерлик» деб ўқучилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб бориш блан қизиқмай қўйди. Шунинг натижасида бу ердаги ўқиш-ўқитиш, оммавий-тарбиявий ва хўжалик ишлари изидан чиқиб кетди. Билим юртидаги бундай нуқсонларни кўрсатиб танқид қилучилар қувғинга учраётирлар.

Инструктор ўртоқ Иван Репников педагогика советининг бир йиғилишида материаллар етишмаётганини айтиб, илмий мудир ўртоқ Мулюковни танқид қилгани учун ишдан бўшатилди. Ўртоқ М. Скибина бу ерда узлуксиз 12 йилдан бери ишлаб келар эди. У Мулюковнинг ўқув юртининг ўтинидан олиб кетишига йўл қўймади. Бунинг устига ўртоқ Скибина Мулюковнинг касаба союз а'золаридан пул олиб, уларнинг билетларига марка ёпиштирмаганини кўрсатиб танқид ҳам қилди. Лекин орадан кўп ўтмай Скибинадан Мулюков қасос олди. Ризаев илмий мудирнинг нотўғри буйруғини қувватлади.

Оддий ишчи Анна Кривошеева бу ердаги камчиликларга чидамади. У, машиналарнинг эҳтиёт қисмлари қаровсизликдан йўқолаётганини, қоровул Дўсовнинг кўпгина жиноий ишларини директор Ризаевга айтди. Броқ бу Ризаевга ёқмади. Анна Кривошеева тез орада ишдан бўшатилди. Кривошеева Ризаевнинг бу нотўғри ҳаракатларини тергов органларига хабар қилди, тергов органларидагилар ҳам ўртоқ Кривошеевани «уришқоқ»ликда айблаб, директорни ҳимоя қилдилар. Бу ишга касаба союз ташкилоти аралашди. Шундан сўнг ўртоқ Кривошеева ишга қайта олинди, ундан кейин яна икки марта ишдан бўшатилиб, икки марта ишга олинди. Охири директор уни ўқув юртидан ҳайдаб ўз мақсадига эришди.

Омборчи Ҳуснутдинов ўз ишига мас'улиятсизлик блан қараб, бирнеча ой ичида ўн минг сўмга яқин растрат қилди, броқ лаганбардор Ҳуснутдиновнинг жиноятлари Ризаев томонидан бир қалам тортиш блан йўқ қилинди. Шундан сўнг Ҳуснутдинов омборчиликдан ўқитучилик вазифасига кўчириди.

Ўқув юртида бундай фактлар ягона эмас. Унинг раҳбарлари ўқиб-ўрганиш учун келтирилган трактор, комбайнлардан ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланмоқдалар. Ўтган йили ўқув юртидаги комбайн гайри қонуний равишда «Октябрь» колхозига буғдой янчиш учун бериб юборилди. 20 гектар ерга буғдой экилиб, унинг даромади ҳам ўзаро тақсимланди. Бу ҳақда ёнчагина актлар тузилиб, тегишли жойларга берилди, аммо булар ҳам оқибатсиз қолиб кетди.

Ўқув юрти раҳбарлари ўз шахсий манфаатлари учингина қизиқиб келаётганликларидан амалий машғулотлар учун зарур бўлган машина, асбоб-ускуналарни келтириш тўғрисида сра қайғирмайдилар. Ҳозир билим юртида 6 та «ДТ—54», 3 та «КД—35» трактори, 3 та «С—80», 3 та «Универсал» маркали трактор етишмайди. Ҳарбир комбайндан иккитадан бўлиши ўрнига, биттадан, холос. Бу эса комбайнларни қисмларга бўлиб ўрганиш имкониятини бермаётир. Слесарьлик ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди, темирларни қирқадиган арра, парма ва бошқа асбоблар ҳам етарли эмас. Ремонт устахонаси машғулот ўтказишга асло ярамайди, ҳалигача слесарьлик бўйича ўқиш хонаси йўқ.

Тракторчи, комбайнерларнинг биринчи группасида ўқишлар апрель ойида тамомланиши керак. Шунга қарамай, назарий билим олаётган ўқучилар блан ҳали ҳам тажриба машғулотлари ўтказишга аслo ярамайди, ҳалигача слесарьлик бўйича ўқиш хонаси йўқ.

Тракторчи, комбайнерларнинг биринчи группасида ўқишлар апрель ойида тамомланиши керак. Шунга қарамай, назарий билим олаётган ўқучилар блан ҳали ҳам тажриба машғулотлари ўтказишга аслo ярамайди, ҳалигача слесарьлик бўйича ўқиш хонаси йўқ. Мас'улиятсизлик шу даражага бориб етганки, фақат 6 дона эшик йўқлиги учун янги қурилган ўқув корпуси бирнеча ойдан бери фойдаланилмай ётипти.

СССР Маданият министрлигининг бўйруғига мувофиқ ўқув юртидаги машиналардан фақат ўқиш ва ўрганиш мақсадларидагина фойдаланиш мумкин. Броқ ўқув юртининг раҳбарлари бу кўрсатмага амал қилмаётирлар. Улар шу бўйруқни олгандан кейин Куйбишев номли колхоздаги иккита тракторни «8-нчи март» колхозига фойдаланиш учун бериб юбордилар. Бу ҳақда бош мастер ўртоқ И. Жугинов:

— Тракторларнинг ишлагани учун ҳақ оламиз, ўқучиларни машина ҳайдашга ўргатиш бир гап бўлар,— дейди. Унинг фикрича, ҳар куни тўрт бола ўқиш. дан қолиб колхозга боради, у ерда тракторни ўрганиб, эртасига ўтилган дарсларни ўртоқларидан кўчириб олади.

Ўқув юртида синфларнинг етишмаслиги орқасида машғулотлар икки сменада олиб борилмоқда. Ўқиш кечаси соат 11 яримда тамом бўлади. Бу аҳвол ўқучиларнинг нормал дарс тайёрлашларига, овқатланишларига имкон бермаётир.

Ётоқхона ва ошхона мутлақо талабга жавоб бермайди. Овкат учун керакли масалликлар етарли бўлса ҳам, ошпаз Р. Иброҳимов ва И. Атаеваларнинг айби блан овқатлар кўп вақт бемаза бўлади. Ўқучиларнинг ич кийимлари вақтида алмаштирилиб турилмайди. Ётоқхоналарда тозаликка риоя қилинмайди. Унда скамейка, табуретка, тумбочкалар етишмайди.

Аввалги иш жойларида ўзларининг ножўя ишлари учун ишдан бўшатилган айрим кишилар, бу ерда тарбиячи бўлиб ишламоқдалар. Булар ичида ичкилиқка берилиб кетган Смерняк, ямоқчи Бородочев ва бошқалар бор. Улар ўқучилар ўртасида қандай тарбия ишларини олиб боришлари мумкин? Улар ақалли ҳўлларини совуқ сувга ҳам урмайдилар. Шунинг натижасида ўқучилар ўртасида интизомсизлик, сабабсиз машғулотларга қатнашмаслик авж олмоқда. Ўтган йилнинг бирнеча ойи ичида ўқучилар 2 минг 315 соат дарсдан прогул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг профессионал ма'лумотлар бериш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Земляński ҳам бу ўқув юртининг ишини яхшилашга аҳамият бермаётир. Мирзачўл район партия комитети эса танқидни бўғучи, қишлоқ хўжалигимизнинг олтин фонди бўлган механизатор кадрларни тайёрлашга мас'улиятсизлик блан қараб келаётган ўқув юрти раҳбарларига муросасозлик қилиб келмоқда.

М. ҒОЗИЕВ.
Мирзачўл шаҳри.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/III да **Ҳамза**, 7/III да кундуз **Туркия ҳақида ҳикоя**, кечқурун **Отелло**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/III да **Иван Сусанин**, 7/III да кундуз **Бахт соҳили**, кечқурун **Бўронда**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/III да **Офтобхон**, 7/III да кундуз **Армуғон**, кечқурун **Муқимий**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрларида — бадиий фильм **Балтика депутати**.

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — **Сталинград жанги** (2-нчи серия).

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — **Сталинград жанги** (1-нчи ва 2-нчи серия).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
3 бўлимдан иборат 6 мартдан бошлаб янги программада
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Хотин-қизлар— цирк сан'ати усталари
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар опа-сингил **Кохларнинг**
АТТРАКЦИОНИ.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Касса эрталаб соат 11 дан очилади.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА“
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
апрель ойи учун ва 1954 йил охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА:
муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать» шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида қабул қилинади.
Тошкент областининг ҳам